

СОЛИҚ ва БОЖЖОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 26 (1350) • 2020 йил 30 июнь

ISSN 2010-524X

УШБУ СОҢДА

Пандемия шароитида туризмга эътибор

3-4-бетлар

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

5-10-бетлар

Июль. Солиқ тўловчининг тақвими

11-12-бетлар

«Синовли давр»: якка тартибдаги тадбиркорга имтиёзлар жадвал кўринишида

13-14-бетлар

Декрет тўловлари: вазиятлар мисолида

15-бет

ДАЛАДА ЎСГАН «БАЛО»

Аср вабосига қарши кураш

16-бет

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ИМТИЁЗЛАРНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ НИМАГА ОЛИБ КЕЛАДИ

2020 йил 19 июнда Президент томонидан «Алоҳида солиқ ва божжона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармон (ПФ-6011-сон) имзоланди. Ушбу ҳужжатнинг мазмуни ва амалий қўлланиши масалалари тўғрисидаги саволларга молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ жавоб берди.

– Фармонга мувофиқ солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар бўйича имтиёзлар, агар уларнинг ўзида ушбу солиқдан озод қилиш тўғрисидаги кўрсатилмаган бўлса, ижтимоий солиққа нисбатан татбиқ этилмайди. Ушбу аниқлаштириш нима учун керак бўлди?

– Айрим хўжалик юритувчи субъектлар барча солиқлардан озод этилган ҳужжатлар мавжуд. Улар ижтимоий солиқ шулар жумласидан, деб ҳисоблашган. Энди агар ушбу солиқ алоҳида кўрсатилмаган бўлса, ундан озод этиш ҳам мавжуд эмаслиги аниқ ёзилди.

– 2020 йил 1 октябрдан бошлаб юридик шахслар-норезидентлар томонидан бажариладиган ишларга ҚҚС бўйича имтиёзлар Ўзбе-



кистонда доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар-норезидентлар томонидан бажариладиган ишларга татбиқ этилмайди. Нима учун бу норма жорий этилди ва у нимани ўзгартиради?

– СКнинг янги таҳририга мувофиқ фаолиятни доимий муассасалар орқали амалга оширувчи чет эл юридик шахслари ҚҚС тўловчиси ҳисобланади (СК 237-м. 1-қ. 4-б.). Улар барча йирик инвестиция лойиҳаларига жалб этилган, компаниялар-резидентлар учун талай ишларни

бажаришади ва Ўзбекистон ҳудудида ҚҚС билан товарлар ва хизматлар сотиб олишади.

Бирок доимий ваколатхона орқали фаолият кўрсатган тақдирда айрим хорижий инвесторларни солиқдан озод этадиган «манзилли» тусдаги қонуности ҳужжатлари амал қилишда даром этмоқда. Ва бундай «имтиёзлар» жуда кўп. Шу боис, қонун ҳужжатларини СКга мувофиқлаштириш учун ПФ-6011-сон Фармон норезидентларнинг ишлари ва хизматлари бўйича ҚҚС бўйича имтиёзлар

2-бетда

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 20.06.2020 йилдаги 394-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.

Уни амалга оширишнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгиланди.

1. Иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартиришга қаратилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш.

ДСҚ ва унинг ҳудудий бўлиналари тузилмасида (тасдиқланган штат бирликлари доирасида) жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш, электрон савдони солиққа тортиш, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва халқаро интеграция бўлимлари ташкил этилади. ДСҚга ҚҚСни ҳисобга олиш ва қайтариш тизимини такомиллаштириш вазифаси топширилди.

Давлат статистика қўмитаси таркибида (тасдиқланган штат бирликлари доирасида) яширин иқтисодиётни, яширин ишсизликни баҳолаш ва ҳисобга олиш бўлимлари ташкил этиш режалаштирилмоқда.

2. Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва маркировкалаш.

Мазкур йўналишда тадбиркорлик субъектлари он-лайн-НКМ билан камраб олиш, маркировкаланган товарлар рўйхати босқичма-босқич кенгайтирилади.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ноқонуний фаолиятини қисқартириш механизмларини, шунингдек электрон тижорат соҳасида фаолият юритадиган субъектларни аниқлаш ва солиққа тортиш механизминини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Солиқ текширувларининг самардорлиги ва сифатини назорат қилувчи «Case management system» тизими жорий этилади.

3. Иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажминини ошириш.

МБга «Humo» ва «UzCard» тўлов тизимларини интеграциялаш вазифаси топширилди. QR-коддан

фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган тўловлар сони оширилади, хўжалик юритувчи субъектларнинг В2В тўловлари узлуксиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизимига ўтказилади.

Кўчмас мулк ва транспорт воситалари бўйича битимларни расмийлаштиришда замонавий банк хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш назарда тутилган.

4. Банк хизматларининг оммабоплигини ошириш.

Бунда «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Қонунга истеъмол кредитларини тақдим этиш тартибини соддалаштирадиган ўзгаришлар киритилади. Но-банк кредит ташкилотларини ривожлантириш назарда тутилган.

5. Ташки савдода яширин иқтисодиёт улушини сезиларли даражада қисқартириш.

1 августга қадар Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Давлат божжона қўмитаси томонидан ташқи савдода яширин иқтисодиётнинг ҳолати таҳлил қилинади ва Вазирлар Маҳкамасига уни қисқартириш бўйича таклифлар киритилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 20.06.2020 йилдан кучга кирди.

Лола АБДУАЗИМОВА.

ИМТИЁЗЛАРНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ НИМАГА ОЛИБ КЕЛАДИ

1-бетда
ДМ оркали амалга ошириладиган фаолиятта табиқ этилмаслигини белгилайди.

Лекин энди ушбу норезидентлар ҚҚС бўйича ҳисобга олиш ва уни қайтариш бўйича амалдаги нормалардан фойдаланишлари мумкин, бу, албатта, уларга фойдали.

– Фармонда ҚҚС бўйича имтиёзларни бекор қилиш ва НХҲни Солиқ кодексида мувофиқлаштириш назарда тутилган. Бу ўринда гап нима хусусида кетмоқда?

– Фармонда назарда тутилган ҚҚС бўйича имтиёзларни бекор қилиш Солиқ кодекси билан боғлиқ эмас. Гап ҳозиргача айрим тармоқлар, фаолият соҳалари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар учун қонуности ҳужжатларига мувофиқ амал қилиб келган имтиёзлар хусусида бормоқда. Умуман олганда бу қўшилган қийматни яратиш занжиридаги узиллишларни бартараф этиш жараёни давом этаётганини аниқлади.

Масалан, айни пайтга қадар «Женерал Моторс Ўзбекистон» АЖ расмий дилерларининг автомобилларни таъмирлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича хизматларга, ушбу хизматларни кўрсатиш вақтида ўрнатилган эҳтиёт қисмлар, узеллар, агрегатлар ва материалларни уларнинг савдо тармоғи орқали сотишда ҚҚС бўйича имтиёзлар амал қилган (21.02.2008 йилдаги ПҚ-800-сон қарорнинг 8-б.). ҚҚСдан озод қилиш солиқни ҳисобга олиш имконини бермаган, у товар қийматига киритилган, бу эҳтиёт қисмларнинг қимматлашишига олиб келган.

– Кўпчилик ҚҚС бўйича имтиёзларни бекор қилиш нархларнинг ошишига олиб келади, деб ҳисоблайди. Бундай фикрга бориш тўғрими?

– Харидорлар учун эҳтиёт қисмларнинг қиймати ошмайди. Бугунги кунда дилерлар ҚҚСни ўз айланмасидан тўлайди, 1 октябрдан эса улар солиқни ҳисобга олишлари мумкин ва ҳатто ўз хизматларини арзонлаштиришлари мумкин.

– 1 октябрдан бошлаб нефть ва газ учун қидирув ва разведка ишларини амалга оширадиган чет эл компаниялари, шунингдек улар то-

монидан жалб қилинадиган чет эл пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари томонидан қидирув, разведка ва бошқа шунга боғлиқ ишларни амалга ошириш учун зарур ускуналар, моддий-техник ресурслар ва хизматларни импорт қилишда ҚҚС тўланади. Бу ишлар ва хизматлар қимматлашишига олиб келмайди?

– Йўқ, олиб келмайди. Зеро, қўшилган қийматни яратиш занжири узилмайди. Зикр этиб ўтилган тузилмалар ресурс солиқлари – ер, сув, мол-мулк солиқларидан озод этилган. Бироқ, шу билан бирга, инвестиция киритган ташкилот ҳамма нарсани ҚҚС билан харид қилса, у солиқ тўловчиси бўлади ва унинг ҚҚС билан боғлиқ барча харажатлари бюджетдан қопланиши керак. ҚҚС нейтраллиги талаби ҳам шундан иборатдир. Озод этиш буни амалга ошириш имконини бермаган ва солиқ суммаси хорижий инвесторларнинг ишлари қийматига қўшилган.

– «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси аъзолари томонидан импорт қилинадиган пахта, сунъий ва синтетик тола, жуун, хом ашё ва бошқа материалларга нисбатан ҚҚС бўйича имтиёз (14.12.2017 йилдаги ПҚ-5285-сон Фармон) бекор қилинади. Нима учун?

– Ушбу имтиёз тармоқнинг ҳамма қорхоналарига нисбатан эмас, балки уюшма аъзоларига нисбатан амал қилган. Бу адолатдан эмас. Энди эса импорт божлари ва акциз солиғи бўйича имтиёзлар тўқимачилик саноатининг барча қорхоналарига нисбатан табиқ этилади. Қорхона уюшма аъзоси эканлиги ёки аъзоси эмаслигининг аҳамияти йўқ: агар у ушбу хом ашёни импорт қилса, имтиёзни қўллаши мумкин.

– Фармонда мамлакат ичида Ўзбекистон норезидентларига товарни реализация қиладиган қорхоналар томонидан экспортёрлар учун назарда тутилган имтиёзларни қўллаш борасидаги низоли масалалари тартибга солинган. Гап нима хусусида бормоқда?

– Бугунги кунда қорхона республика ичида норезидентга товар сотса, у қонуности ҳужжатларига мувофиқ ҚҚСнинг ноль даражали ставкасини қўллади. Бу масала бў-

йича солиқ органлари билан кўп низолар бўлган, сабаби бу норма бекор қилинмаган ва Солиқ кодексида зиддир. Солиқчилар жойларда кўпинча ноль даражали ставкани қўллашни рад этишган. Энди бундай айланмалар бўйича ҚҚСнинг ноль даражали ставкасини 2020 йилнинг 1 октябрга қадар қўллаш мумкинлиги аниқ белгиланган. Қондалар анча шаффофлашмоқда ва бу яхши. 1 октябрдан бошлаб, қорхона товарни ички бозорда норезидентга валютага сотганда ноль даражали ставкани қўллаб бўлмайди. СКга мувофиқ 0% даражали ставкани ҳўжалик юритувчи субъектлар экспорт қилишда – қачон товар Ўзбекистон божхона чегарасидан кесиб ўтганда қўллашга ҳақлидирлар.

– Энди ипотека кредитлари бўйича солиқ имтиёзларига доир бир нечта савол.

СКнинг янги тахрири қабул қилинганга қадар 18.05.2007 йилдаги ПҚ-3878-сон Фармон ва 22.11.2016 йилдаги ПҚ-2660-сон қарор билан ўрнатилган тартиб амал қилган. Ёш оилалар, қурувчилар, кредитлар бўйича бирга қарз олувчи ҳисобланган уларнинг оила аъзолари ЖШДС бўйича солиқ имтиёзларидан фойдаланишган.

1 апрелдан бошлаб оила таркиби, ёши ва ҳоказодан қатъи назар барча оилалар ва фуқаролар учун ягона бўлган – ипотека бўйича кредитлашни имтиёзлаштиришнинг янги механизми амал қилишни бошлаши керак эди. ПҚ-6011-сон Фармон илгари амал қилган имтиёзлар муддатини 2021 йил 1 январга қадар узайтирмоқда. Бу ипотека бўйича СК тақдим этган имтиёзлар 1 апрелдан бошлаб амал қилмаслигини билдиради?

– Улар амал қилмоқда. Ипотека бўйича уй-жой сотиб оладиган ҳар қандай қарз олувчи улардан фойдаланишга ҳақли. Имтиёзларни қўллаш тартиби Президентнинг «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (28.11.2019 йилдаги ПҚ-5886-сон) ва «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (1.05.2020 йилдаги ПҚ-



4701-сон) билан белгиланган, ушбу ҳужжатларда кредитларни субсидиялаш қоидалари баён этилган. Барча ипотека бўйича уй-жой сотиб олишни хоҳловчи Ўзбекистон фуқаролари ушбу имкониятлардан фойдаланишга ҳақли.

– Июнь ойида ипотекани расмийлаштирадиган ёш оила энди СКда мавжуд бўлмаган эски имтиёзлардан фойдаланишга ҳақлими? Улар 2021 йил 1 январга қадар узайтирилганми?

– Йўқ, ҳақли эмас. Банклар ипотека кредитлари беришнинг янги тартиби бўйича ипотека беради (ПҚ-5886-сон Фармон ва ПҚ-4701-сон қарор). Яъни 1 апрелдан кейин ипотекани расмийлаштирадиган ёш оилалар 2007-2019 йилларда амал қилган эски қоидалар бўйича имтиёзларни қўллаб олишмайди.

– Шундай экан, ушбу имтиёзларни 2021 йил 1 январга қадар узайтиришнинг маъноси нимада?

– Ипотека кредитларини сўндириш жараёни кўп йилларни талаб этади. Масалан, сиз 2010 йилда 15 йилга шундай кредит олдингиз. Демак, сиз 2024 йилда у бўйича тўловларни амалга ошириб бўлган бўлишингиз керак. ПҚ-6011-сон Фармон чиккунга қадар илгари амал қилган имтиёзлар сиз 2020 йил 1 апрелдан амалга оширишингиз керак бўлган тўловлар бўйича амал қилишни тўхтатган. Энди ушбу муддат 2021 йил 1 январга қадар узайтирилган.

Илгари ушбу имтиёзлар даромадларидан қатъи назар барча қарз олувчиларга тақдим этиларди. Тахлилнинг кўрсатишича, ипотека бўйича кредитлаш бўйича ЖШДСдан озод қилиш юқори даражада даромадга эга оилалар учун номуаносиб равишда кўпроқ фойдали. Буни Осиё тараққиёт банки экспертлари ҳам тасдиқлашди. СКда назарда тутилган ипотека кредитлари бўйича имтиёзларнинг янги тартиби ижтимоий адолат тамойилларига кўпроқ жавоб беради.

УШБУ СОНДА:	
<ul style="list-style-type: none"> ● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – Имтиёзларнинг бекор қилиниши нимага олиб келади – Яширин иктисодиётга қарши қандай курашилади – Сайёр солиқ текшируви қандай ўтказилади 1-2, 12-бетлар ● СОЛИҚ ТўЛОВЧИГА ЁРДАМ 	<ul style="list-style-type: none"> – Туризм учун солиқ имтиёзлари 3-4-бетлар ● ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони – «Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори – «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик ҳафсизлигининг кучайтирилган режими талаблари
	<ul style="list-style-type: none"> рига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори – «Ўзбекистон Республикасида «яширин иктисодиёт» улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 5-10-бетлар ● СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР – Солиқ тўловчининг тақвими 11-12-бетлар ● ТАДБИРКОР ЭЪТИБОРИГА – ЯТТ учун қўмак 13-14-бетлар
	<ul style="list-style-type: none"> ● ЖАВОБ БЕРАМИЗ – Декрет тўловларининг ўзига хос жиҳатлари – ЭХҲда қачанга товар айланмаси – Тўлов далили бўйича божхонадаги ҚҚСни ҳисобга олиш – Чойин қадоклашга беришни расмийлаштириш 15-бет ● БОЖХОНА – Кластердан – дунё расталари сари – Далада ўсган «бал» 16-бет

Тахрират аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига қўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davry nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ТУРИЗМ УЧУН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

Давлат пандемиядан энг кўп зарар кўрган туристик ва у билан боғлиқ бўлган соҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида корхоналарга солиқлар бўйича қўшимча имтиёзлар тақдим этмоқда. Батафсил – «Nogma» компаниясининг етакчи эксперти Жорилла АБДУЛЛАЕВнинг шарҳловчи жадвалида.


Пандемия даврида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун солиқ имтиёзлари Президентнинг қуйидаги фармонларида акс эттирилган:

1) «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги (19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон);

2) «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон);

3) «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон);

4) «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги (18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон);



5) «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги (28.05.2020 йилдаги ПФ-6002-сон).

Солиқлар ва йиғимлар	Имтиёзлар ва преференциялар	Амал қилиш мuddати
Солиқлар бўйича имтиёзлар		
Мол-мулк солиғи	1) Туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар тўлашдан озод қилинади (ПФ-5978-сон 4-б. «а» кичик б.). 2) Кичик тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 15 май ҳолатига солиқ бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммалари ҳисобдан чиқарилади (ПФ-5996-сон 2-б. 3-хатбоииси).	2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар
Ер солиғи	1) Туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар тўлашдан озод қилинади (ПФ-5978-сон 4-б. «а» кичик б.). 2) Кичик тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 15 май ҳолатига солиқ бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммалари ҳисобдан чиқарилади (ПФ-5996-сон 2-б. 3-хатбоииси). 3) Ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тўхтатилади (ПФ-5978-сон 15-б. 9-хатбоииси).	2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар Карантин даврида
Ижтимоий солиқ	Туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар учун ижтимоий солиқ ставкаси 12%дан 1%га пасайтирилади (ПФ-5978-сон 4-б. «а» кичик б.).	2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар
Айланмадан олинadиган солиқ	1) Қарз берувчига фойз шаклида даромад тўлаш мажбуриятисиз қарз (қайтариб берилadиган молиявий қўмак) тақдим этилганда қайта молиялаш ставкаси асосида аниқланadиган даромад солиққа тортилмайди (ПФ-5978-сон 15-б. 8-хатбоииси). 2) «Маҳалла», «Саховат ва қўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» фондларига (уларнинг бўлинмаларига), шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга беғараз берилadиган товарлар (хизматлар) солиқ солиш объектига киритилмайди (ПФ-5986-сон 1-б. «а» кичик б.).	2020 йил якунига қадар 2020 йил 1 апрелдан 1 октябрга қадар
Фойда солиғи	1) Туроператорлар, турагентлар, шунингдек жойлаштириш воситалари учун: • фойда солиғи ставкаси белгиланган ставкага нисбатан 50%га камайтирилади; • 2020 ва 2021 йил якунлари бўйича зарарларни СКда назарда тутилган миқдор билан чекламаган тарзда ўтказиш ҳуқуқи берилadi (ПФ-6002-сон 2-б.). 2) Уни аввалги чорак якунлари асосида ҳисоблаш бўйича ўрнатилган талабларни бекор қилган ҳолда-тўловчилар кутиладиган ҳажмлардан келиб чиқиб солиқ бўйича аванс тўловлар суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга (ПФ-5978-сон 15-б. 10-хатбоииси). 3) Тижорат банклари томонидан кредитлар бўйича ҳисобланган ва кечиктирилган фойзлар суммаси солиқни ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмайди (ПФ-5978-сон 11-б.). 4) «Маҳалла», «Саховат ва қўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» фондларига (уларнинг бўлинмаларига), шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга беғараз берилadиган пул маблағлари ва товарлар (хизматлар)га чегириладиган харажатлар сифатида қаралади (ПФ-5986-сон 1-б. «а» кичик б.).	2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар 2020 йилнинг II чорагидан бошлаб Кечиктириш тақдим этилган даврда 2020 йил 1 апрелдан 1 октябрга қадар
ҚҚС	1) Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар солиқ солишдан бўшган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шартларисиз қўлланилади (ПФ-5978-сон 15-б. 11-хатбоииси). 2) «Маҳалла», «Саховат ва қўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» фондларига (уларнинг бўлинмаларига), шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга беғараз берилadиган товарлар (хизматлар) солиқдан озод қилинади (ПФ-5986-сон 1-б. «а» кичик б.).	2020 йил 1 апрелдан бошлаб 2020 йил 1 апрелдан 1 октябрга қадар

Солиқлар ва йиғимлар	Имтиёзлар ва преференциялар	Амал қилиш муддати
Божхона божи ва акциз солиғи	Товарлар ПФ-5978-сон Фармонга 1-иловага мувофиқ олиб кирилганда ноль ставкалар белгиланади (ПФ-5978-сон 1-б.).	2020 йил 31 декабрга қадар
Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ	1) Жисмоний шахслар томонидан хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида олинадиган даромадлар солиққа тортишдан озод қилинади (ПФ-5969-сон 6-б.). 2) «Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» фондларидан, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган беғараз ёрдам (пул маблағлари, товарлар ва хизматлар)га, агар ёрдам олувчи шахслар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шаклантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган бўлса, жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди (ПФ-5986-сон 1-б. «б» кичик б.). 3) Ходимга тўланадиган, ЖШДСга тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси МҲЭКМнинг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилади (ПФ-5986-сон 2-б.).	2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 апрелдан 1 октябрга қадар 2020 йилда
Туристтик (меҳмонхона) йиғими	Туроператорлар, турагентлар, шунингдек жойлаштириш воситалари учун йиғимни ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади (ПФ-6002-сон 2-б.).	2021 йил 1 январгача
Солиқларни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш)		
Айланмадан олинадиган солиқ, ижтимоий солиқ	Ўз фаолиятини тўхтатган ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг I чорагидаги ўрғача ойлик миқдорига нисбатан 50%дан кўпроққа камайган микрофирма, кичик корхона ва яқка тартибдаги тадбиркорларга солиқ органларини хабардор қилган ҳолда қуйидаги солиқларни фойсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади: • айланмадан олинадиган солиқ бўйича – уларни кейинчалик 12 ой давомида тенг улушларда тўлаш шарти билан; • ижтимоий солиқ бўйича – уни кейинчалик 6 ой давомида тенг улушларда тўлаш шарти билан (ПФ-5978-сон 6-б.; ПФ-5986-сон 5-б.).	2020 йил 31 декабрга қадар
Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғим	Йиғимни тўлашни солиқ органларини хабардор қилиш ва кейинчалик уларни 12 ой мобайнида тенг қисмларда тўлаш асосида фойсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади (ПФ-6002-сон 2-б.).	2021 йил 1 январгача
Божхона тўловлари	Товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилишда ҚҚСни тўлаш бўйича кечиктириш олиш ҳуқуқи берилди (ПФ-5996-сон 3-б.).	120 кун муддатгача
	Божхона органларига мурожаат қилган қунгача 1 йилдан кам бўлмаган даврда ташки иктисодий фаолиятни амалга ошираётган микрофирма ва кичик корхоналарга товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундириладиган божхона божи ва акциз солигини тўлаш муддатини кечиктиришни қўллаш ҳуқуқи, кейинчалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш шарти билан берилди (ПФ-5996-сон 3-б.).	2020 йил 1 июлгача
Солиқ маъмуриятчилиги соҳасидаги имтиёзлар		
Ташки савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун жарималар қўллаш тўхтатилади (ПФ-5969-сон 8-б.).		2020 йил 1 октябргача
Солиқ аудитидан ўтказиш тўхтатилди, жиноят ишлари доирасида ва юридик шахсни тугатиш муносабати билан солиқ аудитидан ўтказиш бундан мустасно (ПФ-5969-сон 10-б.).		2021 йил 1 январга қадар
Карантинга олинган шахсларга нисбатан қўлланилган маъмурий жарималарни (карантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик бундан мустасно) тўлаш муддатлари узайтирилади (ПФ-5978-сон 15-б. 6-хатбоииси).		Карантин муддати тугагунга қадар
Микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундириш тўхтатилди. Солиқ органлари 2020 йил 15 май ҳолатига микрофирма ва кичик корхоналарнинг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва ўтказиш бўйича инкассо топшириқномаларини қақариб олишлари керак. Солиқ тўловларчиларга 2020 йил 15 май ҳолатига солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ижро этилмаган тўлов топшириқномаларини қайтариб олиш ҳуқуқи берилди (ПФ-5996-сон 5-б.).		2020 йил 1 сентябргача

Изоҳ:

Материал эълон қилинган санада базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ) 223 000 сўмни, меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори (МҲЭКМ) 679 330 сўмни ташкил этган.

Туризм соҳаси субъектлари («Туризм тўғрисида»ги Қонуннинг 20-м.):

- **туроператорлар** – туристик маҳсулотни шаклантирадиган, илгари сурадиган ва реализация қиладиган тадбиркорлар;
- **турагентлар** – туристик маҳсулотни илгари сурадиган ва реализация қиладиган тадбиркорлар.

Туристик маҳсулот – туристик бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда ёхуд туристнинг ёки экскурсантнинг буюртмасига кўра туроператор томонидан шаклантириладиган, туристнинг ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун зарур бўлган туристик хизматлар мажмуидир (Қонуннинг 25-м.).

Туристик хизматлар – жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, экскурсия ва маслаҳат хизмати кўрсатиш бўйича хизматлар, шунингдек турист ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган хизматлар (Қонуннинг 3-м.).

Меҳмонхона хизматлари – жойлаштириш воситаларида (меҳмонхоналар, туристик базалар ва мажмуалар, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, ўтовли оромгоҳлар ва норматив ҳужжатлар талаблари тааллуқли бўлган бошқа жойлаштириш воситалари) вақтинчалик яшаш жойи бериш бўйича хизматлар, хостеллардан ташқари (Низомнинг 5-б. 4-хатбоииси, ВМнинг 5.06.2017 йилдаги 355-сон қарори билан тасдиқланган).

<i>T/p</i>	<i>Тадбир номи</i>	<i>Амалга ошириш механизми</i>	<i>Бажариш муддати</i>	<i>Ижро учун маъсул вазирлик ва идоралар</i>
18.	Молиявий хизматлар кўрсатувчи муқобил ташкилотларни ривожлантириш.	1. Жаҳон банкининг таклифлари асосида микромолиялашнинг янги турлари ва иштиракчиларини иноватта олган ҳолда, «Нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил 1 ноябрь	Марказий банк (М.Нурмуратов)
19.	Банк хизматлари қамрови ва оммабоплигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.	Жаҳон банки билан биргаликда молиявий оммабопликни ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил 1 ноябрь	Марказий банк (М.Нормуратов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов)
V. «Яширин иқтисодиёт» субъектларини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш, ташқи савдода «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш бўйича самарали тизимни жорий этиш ҳамда бу борада кенг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш				
20.	«Яширин иқтисодиёт» субъектларини аниқлаш механизмни такомиллаштириш.	«Яширин иқтисодиёт» субъектларини аниқлаш механизмини такомиллаштириш, шу жумладан жамоатчилик назорати механизмларини жорий қилиш ва уларни амалга оширувчи шахсларни рағбатлантириш механизмни ишлаб чиқиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига қелишилган таклиф киритиш.	2020 йил 1 октябрь	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норкулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
21.	Ташқи савдода «яширин иқтисодиёт»нинг ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ва қисқартириш бўйича амалий таклифлар ҳамда самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.	Ташқи савдода яширин иқтисодиётнинг ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ва уни самарали қисқартириш бўйича амалий таклифлар ҳамда чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил 1 август	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Кудратов), Давлат божхона қўмитаси (М.Азимов)
22.	Республикада ноқонуний фаолият юритаётган йўловчи ва юк ташитиш фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахсларни расмийлаштириш учун соддалаштирилган лицензия бериш тизимини яратиш.	«UzTrans» ягона интерактив ахборот тизимидида ташувчилар фаолиятини мониторинг ва назорат қилишнинг замонавий усулларини қўллашнинг ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига: юк ташишни амалга оширишнинг бошланиши тўғрисида хабардор қилиш ва юкларни халқаро ташишни амалга оширувчи транспорт воситаларини «онлайн» рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш орқали автомобиль транспортида юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишни амалга ошириш; жисмоний шахсларга автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш ҳуқуқини бериш бўйича таклифларни киритиш.	2020 йил 1 август	Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев), Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Содиқов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норкулов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов)
23.	Республикада «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш юзасидан олиб борилаётган ислохотлар ҳамда уларнинг натижасида иқтисодиётга етказилаётган зарарлар тўғрисида кенг тарғибот ишларини амалга ошириш.	1. Тегишли вазирлик ва идоралар томонидан «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириб бориш. 2. Оммавий ахборот воситалари орқали «яширин иқтисодиёт» натижасида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларига етказилаётган зарар тўғрисида тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш.	2020 йил давомида	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норкулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

– «Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Ўзбекистон республикасида «Яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

АЛОҲИДА СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5755-сон Фармонида мувофиқ:

1. Белгилансинки:

солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар буйича имтиёзлар, агар уларнинг ўзида ушбу солиқдан озод қилиш тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса, ижтимоий солиққа нисбатан татбиқ этилмайди;

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслардан сотиб олинadиган ишлар (хизматлар) учун қўшилган қиймат солиғи буйича берилган имтиёзлар, Ўзбекистон Республикасида доимий муассасалар орқали фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар – норезидентлар томонидан амалга ошириладиган ишлар (хизматлар)га татбиқ этилмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 1-иловага

мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу Фармон 2020 йил 1 октябрдан бошлаб кучга кириди; ушбу Фармонга 2-илованинг 1, 6, 7 ва 10-бандлари 2021 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилади; ушбу Фармонга 1-илованинг 4-банди 2022 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилади.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.*

*Тошкент ш.,
2020 йил 19 июнь
ПФ-6011-сон.*

*ЎзР Президентининг 2020 йил 19 июндаги ПФ-6011-сон Фармонида
1-ИЛОВА*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 апрелдаги «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга беvosита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2598-сон Фармонида:

4-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

4. Нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширувчи хорижий компаниялар, шунингдек, улар томонидан жалб этиладиган хорижий пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари куйидагиларни тўлашдан озод қилинсин:

геология-разведка ишларини ўтказиш даврида фойда солиғи

(тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фойзалардан ташқари), юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, юридик шахсларнинг ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни;

қидириш, разведка қилиш ва бошқа тегшли ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган машина-ускуналарни, моддий-техника ресурслари ва хизматларни импорт қилиш чоғида божхона тўловларини (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

**Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 1.10.2020 йилдан кучга кириди.*

5 ва 7-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сон Фармонида:

1 ва 2-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда ташкил этилган ва иловага мувофиқ рўйхат бўйича иқтисодийёт тармоқларида махсуслаштирилган чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) ихтисослаштирилган корхоналарга қуйидаги тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестиция ҳажмларида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексидан белгиланган тартибда алоҳида солиқлар бўйича имтиёزلарни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилди:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан ортиқ ва 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга.

2. Ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексидан белгиланган алоҳида солиқлар бўйича имтиёзлар кўрсатиб ўтилган корхоналарни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги ташқари республиканинг барча шаҳарлари ва аҳоли яшаш жойларида жойлаштиришда қўлланилиши белгилаб қўйилсин. Бундай ҳудудий чеклов туризм ва чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналарга татбиқ этилмайдиган;

4, 6, 7 ва 8-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини рағбатлантириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сон Фармонида:

3-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда алоҳида солиқлар, шунингдек, божхона тўловлари бўйича имтиёزلарни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади»;

4-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«10 миллион АҚШ dollari ва ундан юқори – 10 йил муддатга берилади»;

5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги «Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркин ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-5068-сон Фармони 10-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«10. «Яшнобод» технопарки маъмурияти ва резидентлари амалга оширилаётган инновация лойиҳалари бўйича «Яшнобод» технопаркиннинг бутун фаолият кўрсатиш даврида қуйидагилардан:

ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан;

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ, инновация лойиҳаларини амалга ошириш доирасида ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжи уналғи қириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуна, хом ашё, материаллар, реактивлар, бутловчи буюмлар ҳамда қурилиш материаллари учун божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5285-сон Фармонида:

а) 9-бандда:

биринчи хатбошидан «– «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси аъзолари» сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши «божхона тўловлари тўлашдан (» сўзларидан кейин «қўшилган қиймат солиғи ва» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 10-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сон Фармони 8-бандининг «в» кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«в) тадбиркорлик фаолияти субъектларини 2022 йилнинг 1 январига қадар – Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган:

ишлаб чиқарилганига 5 йилдан ортиқ бўлмаган, йўловчиларни ташидиш фойдаланиладиган ва ҳайдовчидан ташқари саккиз ва саккиздан ортиқ ўриндиқларга эга бўлган транспорт воситалари;

дор (осма) йўллари, тоғ-чанғи кўтаргичлар, фуникулёрлар ва бошқа ўқшаш объектлар ва иншоотларни қуриш, қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар, механизмлар ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек, аэроstatлар (ҳаво шарлари), моторли қайиқ ва квадроцикллар учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга кўра божхона тўловларини тўлашдан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги «Навоий вилоятини инновацион, юқори технологиялар асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5719-сон Фармонида:

а) 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. «Навоий» ЭИЗ иштирокчиси мақомини олган Навоий вилоятидаги корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда алоҳида солиқлар, шунингдек, божхона тўловлари бўйича имтиёزلарни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади»;

б) 8-бандда:

«а» кичик бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«10 миллион АҚШ dollari ва ундан юқори ҳажмдаги инвестициялар – 10 йил муддатга берилади»;

«в» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

в) 10-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 февралдаги «Хорижий инвестициялар иштирокида «Женерал Моторс Ўзбекистон» корхонасини барпо этиш тўғрисида»ги ПҚ-800-сон қарори 8-бандининг олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-916-сон қарори 9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларини қайта жиҳозлаш ва қўшимча жиҳозлаш учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича модернизация қилиш доирасида олиб қилинадиган ускуналар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин».

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардор махсуслотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1731-сон қарорида:

1 ва 7-бандлар ҳамда илова ўз кучини йўқотган деб топилсин;

5-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган шартномалар маълумотларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон

T/p	Табдир номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижро учун маъсул вазирлик ва идоралар
10.	Барча кадастр ҳужжатларини рақамлаштириш, миллий геоахборот тизимини жорий этиш ҳамда «Давергеодезкадастр» қўмитаси ва Қурилиш вазирлигининг маълумотлар базаларини интеграциялаштириш.	Ўзбекистон Республикасида барча кадастр ҳужжатларини рақамлаштириш, миллий геоахборот тизимини жорий этиш, ҳамда «Давергеодезкадастр» қўмитаси ва Қурилиш вазирлигининг маълумотлар базаларини интеграциялаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил 1 август	«Давергеодезкадастр» қўмитаси (А.Абдуллаев), Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Содиқов)
11.	Солиқ текширувларининг самарадорлиги ва сифатини назорат қилувчи «Case management system» (CMS) тизимини жорий этиш ҳамда давлат солиқ хизмати ходимларини ўқитиш.	«Case management system» (CMS) тизимини жорий этиш ҳамда Жаҳон банкининг техник қўмағи ёрдамида давлат солиқ хизмати ходимларини ўқитиш бўйича ички идоравий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш.	2020 йил 1 декабрь	Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов)
III. Иқтисодийётада нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш				
12.	«Нупо» ва «Uzcard» тўлов тизимларини интеграциялаштириш.	Мавжуд тўлов тизимлари инфратузилмасидан (тўлов терминаллари, банкоматлар, инфокиосклар) иккала тизим фойдаланувчилари учун муқобил фойдаланиш имкониятини яратиш.	2020 йил давомида	Марказий банк (М.Нурмуратов)
13.	«QR» код орқали амалга оширилаётган тўловларнинг оммабоплигини ошириш ва қўламини кенгайтириш.	1. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига «QR» кодларни шакллантириб бориш ҳамда 2020 йил якуни бўйича махсус кодлар сонини 3 200 тадан 50 000 га етказиш. 2. «QR» код тизими орқали тўловлар амалга оширилишини жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиб бориш.	2020 йил давомида	Марказий банк (М.Нурмуратов), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов)
14.	Тўлов тизими субъектлари бўлган тўлов агентлари томонидан ўз депозит маблағлари доирасида мижозларнинг банк карталарини нақд пул билан тўлдириш имконини берувчи механизмни жорий қилиш.	Агентлик шартномаси асосида тўлов агентлари томонидан мижозларга очилган виртуал карталарни базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдоригача тўлдириш ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан ошган тақдирда, мижозни ички назорат қоидаларига мувофиқ идентификациялаш амалиётини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 октябрь	Марказий банк (М. Нурмуратов), Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов)
15.	Республика бўйича тезкор тўлов тизимларидан фойдаланиш оммабоплигини ошириш чораларини қўриш.	1. Мамлакатда В2В (ҳўжалик субъектларидан ҳўжалик субъектларига) тўловларини узлуксиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизимига ўтказиш. 2. Мазкур тизимнинг самарали ишлашини йўлга қўйиш ҳамда ундан ҳўжалик субъектлари томонидан фойдаланиш қўламини кенгайтириб бориш.	2020 йил давомида	Марказий банк (М.Нурмуратов), тижорат банклари
16.	Мол-мулк (қўчмас мулк ва транспорт воситалари) оғди-сотиқни амалга оширишда замонaviй банк хизматларидан фойдаланиш.	Мол-мулк (қўчмас мулк ва транспорт воситалари) бўйича томонлар ўртасидаги оғди-сотиқ шартномаларни нотариал идоралар орқали расмийлаштиришда ўзаро ҳисоб-китобларни замонaviй банк хизматларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тизимини жорий қилиш бўйича таклиф ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил 1 август	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Марказий банк (М.Нурмуратов)
IV. Банк хизматларининг оммабоплигини ошириш				
17.	Аҳоли учун истеъмол кредитларини ажратиб тартибини янада соддалаштириш ва такомиллаштириш.	1. «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш: хорижда ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини, яъна тартибдаги тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган ёки реализация қилинадиган товарларни ҳамда ижтимоий бозордан автомобиллар, шу жумладан жисмоний шахслардан сотиб олиш у-ун кредит ташкилотлари томонидан молиявий истеъмол кредитларини ажратишга руҳсат бериш; аҳолининг даромадлар манбаларини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш. 2. Қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил 31 сентябрь	Марказий банк (М.Нурмуратов)

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Ижро учун маъсул вазирлик ва идоралар
II. Иқтисодийёт соҳалари ва тармоқларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва маркировкалаш				
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сон Фармони билан тасдиқланган нақд пул тушумига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланишга босқичма-босқич ўтказиш графиги икросини таъминлаш.	<p>1. Республиканинг барча тадбиркорлик субъектларини онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими билан босқичма-босқич қамраб олиш.</p> <p>2. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда олис, етиб бориш қийин бўлган аҳоли пунктлари рўйхатини тасдиқлаб, кейинги назорат учун Давлат солиқ кўмитасига тақдим этиб бориш.</p> <p>3. Алкоголь, тамаки, дори воситалари, автомобилларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ савдоси билан шугулланувчи ҳўжалик юритувчи субъектларни тўлиқ онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал касса ўрнатиш ишларини якунлаш чораларини кўриш.</p> <p>4. 2019 йил якунлари билан тақдим этилган молиявий ҳисоботларда йиллик обороти 5,0 миллиард сўмдан ошган тадбиркорлик субъектларини аниқлаштириб, ҳўжалик юритувчи субъектларга онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал касса ўрнатиш чораларини кўриш.</p> <p>5. 2020 йил якунлари бўйича йиллик обороти (тушуми) юз миллион сўмдан ошган ёки йил давомида ушбу chegaraviy миқдорга етган ҳўжалик юритувчи субъектларни ушбу тизимга ўтказиш.</p> <p>6. Қўлган тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланиш афзалликлари ва кулайликлари бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб бориш орқали уларни ихтиёрли равишда тизимда иштирокини ташкил қилиш.</p>	<p>2020 йил давомида</p> <p>1 июль, кейинчалик ҳар йили 20 январга қадар</p> <p>2020 йил 15 июль</p> <p>2020 йил 1 сентябрь</p> <p>2020 йил 25 декабрь</p> <p>йил давомида</p>	<p>Давлат солиқ кўмитаси (Ш.Кудбиев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норкулов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Содиқов)</p>
6.	Вазирлар Маҳкамасининг «Махсулотларни идентификация воситалари ёрдамида маркировкалаш ва келгусида кузатиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 23 ноябрдаги 944-сон қарорига мувофиқ алкоголь ва тамаки махсулотларни идентификация воситалари ёрдамида маркировкалаш ва келгусида кузатиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш бўйича тажриба лойиҳасини якунига етказиш.	<p>1. Идентификация воситалари билан маркировкалаш ва келгусида кузатиладиган махсулотлар рўйхатини босқичма-босқич кенгайтириш, бунда:</p> <p>биринчи босқичда – тажриба тариқасида тамаки ва алкоголь махсулотларини маркировкалаш тизимини татбиқ этиш; иккинчи босқичда – биринчи босқичдаги тажриба лойиҳалари натижаларига кўра дори воситалари ва тиббий буюмларни маркировкалаш тизими билан қамраб олиш.</p> <p>2. Тажриба лойиҳасининг натижалари юзасидан якуний ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2020 йил давомида</p> <p>2020 йил 15 сентябрь</p> <p>2020 йил 1 декабрь</p> <p>2020 йил 31 декабрь</p>	<p>Давлат солиқ кўмитаси (Ш.Кудбиев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норкулов)</p>
7.	Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ноқонуний фаолиятини қисқартириш механизмларини ишлаб чиқиш.	Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ноқонуний фаолиятини қисқартириш механизмларини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асосланган тақлифлар киритиш.	<p>2020 йил 1 сентябрь</p>	<p>Давлат солиқ кўмитаси (Ш.Кудбиев), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
8.	Интернет-савдо (электрон тижорат) соҳасидаги субъектларни аниқлаш тартибини такомиллаштириш, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашни ҳисобга олган ҳолда, солиққа тортиш механизмини ишлаб чиқиш.	Интернет-савдо (электрон тижорат) соҳасидаги субъектларни аниқлаш тартибини такомиллаштириш, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашни ҳисобга олган ҳолда, солиққа тортиш механизмини ишлаб чиқиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритиш.	<p>2020 йил 1 сентябрь</p>	<p>Давлат солиқ кўмитаси (Ш.Кудбиев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Содиқов)</p>
9.	Ўзбекистон Республикасида ягона электрон билет тизимини жорий этиш.	Ўзбекистон Республикасида ягона электрон билет тизимини жорий этиш ва назорат механизмини назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	<p>2020 йил 1 октябрь</p>	<p>Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Содиқов)</p>

ахборот тизимига киритган ҳолда экспорт шартномаларига тенглаштирилди».

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги «2016 ~ 2020 йилларда қишлоқ ҳўжалигини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сон қарори 9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. 2021 йилнинг 1 январигача бўлган даврда: насддор чорвачилик субъектлари асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (ғижорат банкларида жойлаштирилган маблаглардан олинган фозилардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан;

«Ўззоветта» минотхизмат» Республика биллашмаси, насддор чорвачилик субъектлари, паррандачилик ва балиқчилик ҳўжалик-лари, омухта ем, озуқа кўшимчалари, ветеринарий вакциналари ва препаратлари ишлаб чиқарувчи ҳўжалик субъектлари белги-ланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича наслилик материаллари, технологик ва ёрдамчи ускуналар, омухта ем ва озуқа кўшимчаларини ишлаб чиқариш учун компонентлар, шу-нингдек, фермер ҳўжаликлари ва бошқа ташиқлотлар пайвандта; кўчат ва томчиллатиш суғориш ускуналарини олиб киришда бож-хона тўловларини (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлашти-руви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин».

12. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 февралдаги «2017–2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш, уни жадал ривожлантириш ва диверси-фикациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2772-сон қарори 13-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«13. Белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича 2017–2021 йилларда электротехника саноатини янада ривожлантириш ва диверсификациялаш бўйича чора-тадбирлар дастурига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган уску-налар, материаллар ва бутловчи буюмлар 2022 йил 1 январига-ча божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинсин».

13. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 14 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳма-маси хузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятларини ташиқл этиш тўғрисида»ги ПҚ-2776-сон қарорида:

6-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этил-син:

«Белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш ишлари учун олиб келинадиган ускуналар, хом ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва узеллар учун божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинсин»;

7-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

14. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Автомобил йўллари қўқаламзорлаштириш ва архитектура-ландшафт жиҳатдан тузиш тизимини такомиллашти-риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3262-сон қарорида:

7-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

17-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзйўққўқаламзорлаштириш» УК ва унинг таркибий бўлин-малари 2025 йилнинг 1 январига қадар декоратив ўсимликлар етиштириш учун қўчатхоналар банд қилган ер участкалари қис-мида ер солиғи тўлашдан, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи тўлашдан озод қилинсин».

15. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги «Республикада асаларичилик тармоғини яна-да ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3327-сон қарори 11-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«11. 2023 йилнинг 1 январига-ча белгиланган тартибда тасди-қланган рўйхатлар бўйича ташиқлотлар томонидан олиб келина-диган насли (маҳсулот) материаллар, асаларичилик соҳасида қўлланиладиган инвентарлар ва ускуналар, асалари уяларини ташиқ учун махсус транспорт воситалари ва тиркамалар, асла-ри касаликлари ва зараркўнандаларига қарши қўлланиладиган

ветеринарий дори воситалари ва препаратлар, асалари уялари ишлаб чиқариш учун ёғоч ва зарур материаллар, пенополиуре-тан, уларга ёрдамчи ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлари, муумлар ва мум маҳсулотлари божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғим-ларидан ташқари) озод этилсин».

16. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги «2018–2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташиқини ташиқ савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3422-сон қарори 4-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бўшаган маблаглар ўзининг автотранспорт воситалари паркинни кенгайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини модерни-зациялашга, замонавий обмборхона терминаллари барло этишга ва банк кредитларини тўлашга йўналтирилиши шарти билан мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўлашдан озод қилинсин;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, транспорт-логистика хизматлари қўрсатишга мўқжалланган, белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган обмборхона ускуналари, юк ортиш-тушириш техника-си, агрегатлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа товарлар учун божхона тўловлари (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин».

17. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2018 йил 28 февралдаги «Виночилик соҳасини ва алкогольли маҳсулотларни реализация қилишни тўқдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3573-сон қарори 12-бандининг учинчи хатбоши-си «Божхона тўловларини (» сўзларидан кейин «қўшилган қиймат солиғи ва» сўзлари билан тўлдирилсин.

18. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2018 йил 3 май-даги «Чарм-поябзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3693-сон қарори 9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Чарм, мўйна хом ашёси ва жун тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорва молларини автоматлаштирилган ҳолда сўйиш, жун, қоракўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик маҳсулотла-ри, паябзал ишлаб чиқариш билан шугулланувчи ташиқлотларга 2023 йил 1 январга қадар мuddатда қуйидаги кўринишдаги солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилсин:

фойда солиғи ва мол-мулк солиғи, айланмадан олиннадиган солиқни тўлашдан озод қилиш;

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, рес-публикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар ва фурнитура учун божхона тўловлари (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод этиш;

юқоридаги тасдиқланадиган рўйхатларга киритилмаган, ўз ишлаб чиқариши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё, материаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлаш мuddатини қонуччиликда белгилан-ган тартибда кечиктириш».

19. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4005-сон қаро-ри 9-бандининг учинчи хатбошиси «Божхона тўловларидан (» сўзларидан кейин «қўшилган қиймат солиғи ва» сўзлари билан тўлдирилсин.

20. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2018 йил 13 ноябрдаги «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4015-сон қарори 16-бандининг учинчи хатбошиси «Божхона тўловларидан (» сўзларидан кейин «қўшилган қиймат солиғи ва» сўзлари билан тўлдирилсин.

21. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятининг ташиқлий масалалари тўғрисида»ги Ф-5137-сон фармойиши рус тилидаги

матни 5-бандининг иккинчи хатбоши «за исключением» сўзларидан кейин «налога на добавленную стоимость и» сўзлари билан тўдрилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги «Республикада ишлаб чиқарилмайдиган, агросаноат лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида олиб келинадиган, иссиқона ва иссиқонага оид қурилиш конструкцияларини 2021 йил 1 январгача божхона тўловларидан озод қилиш тўғрисида»ги Ф-5230-сон фармойиши 2-банди «божхона тўловларидан (сўзларидан кейин «қўшилган қиймат солиғи ва» сўзлари билан тўдрилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 сентябрдаги «Тошкент шаҳрида халқаро тоифадаги меҳмонхона қурилишини яқинлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 279-сон қарори рус тилидаги матнининг 11-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«11. Освободить, в порядке исключения:

ГУП «Пойтахт курилиш ва хизмат», АО «Ташгипрогор», АО «Трест 12» и их субподрядные организации, на период проектирования, строительства до завершения гарантийного срока – от уплаты таможенных платежей (за исключением налога на добавленную стоимость и таможенных сборов) на завозимые оборудование, строительную технику, строительные материалы и комплектующие изделия, мебель, компьютерную технику и другие

товары для строительства и оснащения гостиницы в соответствии со спецификациями, предусмотренными проектно-сметной документацией, разработанной по стандартам компании «Хаятт Интернэшнл», включая комплекты их запасов в соответствии с требованиями компании «Хаятт Интернэшнл»;

ГУП «Пойтахт курилиш ва хизмат» на период погашения привлекаемого кредита Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан – от уплаты налога на прибыль, налога на имущество, земельного налога, налога за пользование водными ресурсами в рамках деятельности гостиницы;

компания «Хаятт Интернэшнл», «Хаятт Интернэшнл (Европа, Африка, Ближний Восток) Лимитед», «Хаятт Чейн Сервисиз Лимитед», «Хаятт Голден Паспорт (травел) ЛТД», «Интернэшнл Резервейшнз ЛТД» и «Хаятт Интернэшнл техничал сервисиз Инк.» в рамках заключенных соглашений с ГУП «Пойтахт курилиш ва хизмат» – от уплаты налога на прибыль, взимаемого у источника выплаты, на период погашения привлекаемого ГУП «Пойтахт курилиш ва хизмат» кредита Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан».

ЎЗР Президентининг 2020 йил 19 июндаги ПФ-6011-сон Фармонида

2-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАН АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3878-сон Фармони 4 ва 5-бандлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-4087-сон Фармонида илованинг 8-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 17 июндаги «Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш ҳамда базиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-4116-сон Фармонида 1-илованинг 2-банди «б» кичик банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4434-сон Фармони 1 ва 4-бандлари ҳамда Фармонга 1-илова.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек базиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-5398-сон Фармонига 1-илованинг 2-банди ва 3-банди «б» кичик банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 ав-

густдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1167-сон қарори 9-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралы уйлари қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2660-сон қарори 18-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 мартдаги «Сирдарё вилоятининг Янгивер шаҳрида кичик саноат зонасини барпо этиш тўғрисида»ги ПҚ-2860-сон қарори 6-банди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида замонавий радио ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3255-сон қарори 8-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлдаги «2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартиралы уйлари қуриш дастурларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3863-сон қарорига илованинг 2-банди.

РЕКЛАМА

«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўрилган масини тақлим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Тақдирмаржон кўч., 1/1.

Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

**«ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ» УЛУШИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»**

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Ижро учун масъул вазирлик ва идоралар
I. Иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартиришга қаратилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш				
1.	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари тузилмасини «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш нуқтаи назаридан такомиллаштириш.	1. Давлат солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг мавжуд таркибий бўлини таркибида тасдиқланган штат бирлиги доирасида қуйидаги бўлимларни ташкил этгани назарда тутувчи асослантирилган таклифлар тайёрлаш: жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш бўлими; электрон савдони солиққа тортиш бўлими; «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш ва халқаро иқтисодий интеграция бўлими. 2. Таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш.	2020 йил 1 октябрь	Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Содиқов)
2.	Қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш ва қайтариш тизимини такомиллаштириш.	1. Қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш ва қайтариш ҳуқуқи қўшилган қиймат солиғи тўловчисининг гувоҳномаси мавжудлиги ва ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш шarti билан тақдим этишни назарда тутган ҳолда, қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил 1 сентябрь	Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов)
3.	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тузилмасини «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш нуқтаи назаридан такомиллаштириш.	1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси таркибида тасдиқланган штат бирликлари доирасида: яширин ва ноқонуний фаолиятни баҳолаш мақсадида энг яхши амалиётларни жорий этиш у-ун бўлинмаларни ташкил этиш; иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳақиқий иш вақтини статистик ҳисобга олиш ва яширин ишсизлиқни баҳолашни жорий этиш; ҳодимларнинг ушбу соҳадаги касбий малакасини ошириш мақсадида курсларни ташкил этиш. 2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тузилмасига ўзгариш киритиш юзасидан ички норматив ҳужжатларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш.	2020 йил 1 сентябрь	Давлат статистика қўмитаси (Б.Бегалов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов)
4.	«Яширин иқтисодиёт»га қарши курашиш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	1. Халқаро ташкилотлар (Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқалар) экспертларини жалб қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётда «яширин иқтисодиёт»ни баҳолаш ва ҳисоблаш бўйича тавсиявий услубий қўлланма ишлаб чиқиш. 2. Иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари кесимида яширин иқтисодиёт кўламини аниқлаш методологиясини қабул қилиш. 3. «Яширин иқтисодиёт»ни шакллантирувчи ва унинг кўламини кенгайтирувчи асосий омилларни аниқлаш. 4. Ҳудудларда ишлаб чиқарувчилар ўртасида ижтимоий сўровномалар ўтказиш. 5. Амалга оширилган таҳлил ва ўрганишлар натижаси бўйича иқтисодиётда «яширин иқтисодиёт» улушини баҳолаш. 6. Баҳолаш якунлари бўйича 2021 – 2023 йилларда «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш ва унга қарши курашишнинг таъсирчан чораларини назарда тутувчи комплекс дастурни ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил 1 март 2021 йил 1 апрель 2021 йил 1 май	Иқтисодий таркиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов), Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев), Давлат статистика қўмитаси (Б.Бегалов), Марказий банк (М.Нормуратов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов), манфаатдор вазирлик ва идоралар

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) икки ҳафта мuddатда қўйидагиларни назарда тутувчи тартибни тасдиқласин:

хорижий ошона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик оватланиш шохобчаларини, оват ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, шунингдек, сувенир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш юзасидан лойиҳа ташаббускорларига грантлар ажратиш;

яңги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва тартиб қилиш учун гнд ва туроператорларга грантлар ажратиш;

туризм соҳаси субъектларининг фоиз харажатларини субсидиялаш;

жойлаштириш бўйича хизматлар (меҳмонхона хизматлари) нархининг 10 фоизи миқдорда жойлаштириш воситаларини субсидиялаш;

туроператорлар ва турагентларга Ўзбекистон Республикасига олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист учун раъбатлантирувчи субсидиялар ажратиш;

ҳаво ва темир йўл чипталари учун туроператорларнинг харажатларини қисман субсидиялаш;

меҳмонхоналарнинг тоифа олиш ва уни кўтариш учун реновация, реконструкция ҳамда моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича харажатларини қоплаш;

туризм мақсадида йўловчи ташувчи яңги дор йўлларини қуриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларини қоплашга маблағ ажратиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда саҳбат давомида хорижий туристлар коронавирус (COVID-19) инфекциясини юктириб олган тақдирда, уларга компенсация тўловларини тўлаб бериш;

«Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизими доирасида ихтиёрли сертификатлаш, шунингдек, сертификатлаш учун тўловларни амалга ошириш;

«Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизимининг хавфсиз объекти реевтрини юритиш;

б) бир ой мuddатда туризм ҳудудларига транспорт воситалари билан қилиш учун йғимн ундирин тартиби тўғрисидаги низомни йғимни ундириннинг аниқ механизмлари ва миқдорларини, шунингдек, йғимни тегишли туристик зона Дирекциясига йўналтириши назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига қўйидаги тақлифларни киритсин:

ов қилиш ҳуқуқига доир рухсатнома берганлик учун давлат божи миқдорини ошириш;

ов қулолини ва спортга мўлжалланган ўқотар қулолини ҳамда унинг ўқ-дориларини, шунингдек, тигли қулолини (пичокларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш учун тўланадиган йғимн миқдорини ошириш.

19. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

коронавирус пандемиясининг туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилишини инобат олган ҳолда ва хавфсиз туризмни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратиб, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг марказий аппарати ва худудий бўлиналари тузилмасига умумий белгиланган шатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритсин;

кељакада индироз ҳолатларини прогноз қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган вазиятнинг ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш учун, шунингдек, уларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича олдини олиш чораларини амалга ошириш мақсадида ҳар ойда юзага келган пандемия билан боғлиқ вазиятни комплекс таҳлил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2 иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

21. Вазирлик ва идоралар икки ой мuddатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

22. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари 3.Ш.Низомидинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ.

*Тошкент ш.,
2020 йил 19 июнь
ПҚ-4755-сон.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА «ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ» УЛУШИНИ ҚИСКАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида» 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони ижросини тазминлаш, шунингдек, иқтисодиётда хуфиёна айлангани янада қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қўйидаги устувор йўналишларни назарда тутувчи «Яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» иловага мувофиқ тасдиқлансин: иқтисодиётда хуфиёна айлангани қисқартиришга қаратилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш; иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва маркировкалаш; иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш;

банк хизматларининг оммабоплигини ошириш; «яширин иқтисодиёт» субъектларини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш;

ташқи савдода «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш бўйича самарали тизимни жорий этиш;

«яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш бўйича кенг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирини Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А. АРИПОВ.

*Тошкент ш.,
2020 йил 20 июнь
394-сон.*

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 20.06.2020 йилдан кучга кирди.

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ КУЧАЙТИРИЛГАН РЕЖИМИ ТАЛАБЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛГАН ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Туризм соҳасини жадал суръатларда тиклаш ва мамлакатдаги санитария-эпидемиологик вазият барқарорлашгандан сўнг уни ривожлантиришнинг янги йўналишларини шакллантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6002-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Белгилансинки:

а) 2021 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабрга қадар меҳмонхонага белгиланган тартибда берилган тоифа сақланган тақдирда тегишли йил якунига қўра жойлаштириш воситасининг тоифаси учун ундирилган туристик (меҳмонхона) ййим суммасининг 50 фоизи жойлаштириш воситаларига қайтарилади;

б) жойлаштириш воситалари томонидан, шу жумладан халқаро бронлаштириш майдонларида мувофиқлик белгисидан (юлдузлар) ноқонуний фойдаланганлик ҳолати меҳмонхона хизматларини кўрсатиш учун берилган сертификатнинг амал қилишини қандайдирликнинг белгиланган тартибда бартараф этилунига қадар тўхтатиб туриш учун асос бўлиб ҳисобланади;

в) 2020 йил 1 августдан бошлаб:

рейслар сони ва йўналишлари бўйича чекловларни бекор қилишни, шунингдек, хорижий авиакомпанияларга бешинчи даражадаги «хаво эркинлигини» тақдим этишни назарда tutувчи «Очиқ осмон» режими «Анжион», «Бухоро» ва «Урганч» халқаро аэропортларида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ жорий этилади;

хорижий авиакомпаниялар уларнинг тегишли ҳужжатларини тегишли натижаларига қўра Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) учуш хавфсизлиги ва авиация хавфсизлиги бўйича стандартларига мувофиқ бўлиши шarti билан ҳаво катнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимнинг мавжудлигидан қатъи назар «Очиқ осмон» режими жорий этилган халқаро аэропортларга доимий қатновларни амалга ошира олиди;

мамлакатнинг «Очиқ осмон» режими жорий этилган халқаро аэропортларига қатновларни амалга ошираётган хорижий авиакомпанияларга тариф ва ййимлар уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган авиакомпаниялар учун белгиланган миқдорда қўлланилади;

инвесторларнинг йўловчи ташувчи янги дор йўлларини («Чорвоқ» эркин туристик зонаси ҳудудида ташкил этилаётганлардан ташқари) тегишли хавфсизлик даражасини таъминлаган ҳолда куриш ва жиҳозлаш учун йўналтирилган харажатларининг бир қисми уларни 2023 йил 31 декабрга қадар фойдаланишга топшириш ва узунлиги бир томонга камида 500 метр бўлиш шarti билан ҳар бир 500 метр йўл учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамгармасига (кейинги Уринларга – Бюджетдан ташқари жамгарма) ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 1 миллиард сўм миқдориде қопланади. Белгилансинки, бунда йўловчи ташувчи янги дор йўлларини куриш ва жиҳозлаш бўйича дастлабки 50 та лойиҳага йўналтирилган инвесторлар харажатларининг бир қисми қопланади;

туристик зоналар ва қишлоқ жойлари ҳудудида тегишли стандартларга асосан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Курилиш вазирлигининг намунавий лойиҳалари бўйича жойлаштириш воситаларини тез қўриладиган конструкциялар (ўтовлар, контейнерлар, сендвич панеллар) билан

куриш учун тадбиркорлик субъектлари харажатларининг бир қисми бундай типдаги жойлаштириш воситаларининг жойлари сони 50 мингтага етунига ёки 2023 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ҳар бир жой учун 5 миллион сўмгача миқдорда қопланади;

2020 йил 31 декабрга қадар «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» («Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат КАФОЛАТЛАНГАН») тизимининг хавфсиз объектлари реестрига киритилган, туризм ва ёндош инфратузилма объектларининг бино ва иншоотларида санитария-эпидемиология хизмати ташкилотлари томонидан дезинфекция, дезинсекция, дератизация ҳамда юқумли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва даражасини пасайтиришга қаратилган эпидемияга қарши курашиш профилактик тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган ҳужалик субъектларининг харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади;

шаҳарлар ва туманлар бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнида улар туризм инфратузилмасини ривожлантириш қисмида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан мажбурий келишилади;

гид (гид-таржумон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларнинг хизматлари ўзини ўзи банд қиладиган шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият (хизматлар, ишлар) турлари рўйхатига киритилади;

г) 2020 йил 1 июлдан 2023 йил 1 июлга қадар нодавлат (хусусий) музейлар, бадиий галереялар ва хўнармандчилик марказларининг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи, мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда айланмадан олинадиган солиқ ставкалари белгиланган миқдорга нисбатан 50 фоизга камайтирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда туризм соҳаси субъектларининг қўйидаги тақлифларига розилик берилсин:

туристлар учун «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизимини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган туроператор томонидан «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизими талабларига рия қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган саёҳат давомида хорижий туристлар коронавирус (COVID-19) инфекциясини юктириб олган тақдирда, уларга 3 минг АҚШ доллари миқдориде компенсация тўловларини тўлаб бериш механизмларини жорий қилган ҳолда Хавфсиз туризм жамгармасини ташкил этиш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ туроператорлар томонидан хорижий туристларга хизмат кўрсатиш карантин даврида фақат «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизимининг хавфсиз объектлари реестрига киритилган туризм ва ёндош инфратузилма объектларида ташкил қилинади.

Белгилансинки:

Хавфсиз туризм жамгармаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инкирозга қарши курашиш жамгармасининг 20 миллиард сўм миқдордаги дастлабки тўлови, шунингдек, «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизими доирасида жорий этилаётган ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтиш учун тўланадиган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридеги тўлов ҳисобидан шакллантирилади;

хорижий туристларга хизмат кўрсатувчи объектларда «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизими мажбурий тартибда жорий этилади;

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 20.06.2020 йилдан кучга кирди.

**Қарорга 1–2-қисмлар «СБХ»да чоғ этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

хорижий туристларга хизмат кўрсатишда «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизимида белгиланган шарт ва талабларнинг бузилишида айбдор бўлган ташкилотларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда 2021 йил 1 январдан бошлаб хорижий фуқаролар учун виза режими янада либераллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг жадал иқтисодий-иқтисодий ривожланиши учун зарур бўлган салмоқли капитал, юқори академик билимлар ёки ўзига хос кўникмаларга эга шахсларни Ўзбекистон Республикасида доимий истикомат қилишга жалб этишни назарда tutувчи «Uzbekistan – my second home» («Ўзбекистон – менинг иккинчи уйим») иммиграция дастурини жорий этиш бўйича тақлифлар киритсин.

5. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ тузиладиган туристик-рекреацион зоналарни (кейинги ўринларда – туристик зоналар) ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади ва қуйидаги қўшимча вазифаларни амалга оширади:

туристик зоналарнинг самарали бошқарувини ташкил қилиш;

туристик зоналар ҳудудига туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур инвестициявий шарт-шароитларни яратиш;

туристларнинг мақсадли тоифалари орасида туристик зоналарнинг салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича маркетинг ишларини олиб бориш;

б) Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири туристик зоналар маъмурий кенгашига раҳбарлик қилади;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ туризм соҳасидаги давлат активларини сотишдан тушган маблағларнинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланган қисми Бюджетдан ташқари жамғармага туризм инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантириш, мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш учун йўналтирилади;

г) туристик зоналар ҳудудига жойлашган ва давлатга тегишли бўлган мулкий комплекслар ҳамда ер участкаларини сотишдан тушадиган маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

75 фоизи – тегишли туристик зоналар дирекциялари ҳисобига;

25 фоизи – Бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобига;

д) туризм соҳасидаги «стартап» лойиҳалар ва инновацион бизнес юзларини инкубация ёки акселерация дастурларига қабул қилиш учун номзодларни танлаш бўйича Маслаҳат кенгаши таркибига Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вакиллари киритилади.

6. «Чорвоқ» эркин туристик зонаси маъмурий кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳолатларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2020 йилда коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳолатларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш ҳамда мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан Бюджетдан ташқари жамғармага камида 10 миллиард сўм маблағ ажратсин;

2020 йил 1 июлгача «Ипак йўли» туризм халқаро университетининг профессор-ўқитувчилар, бошқарув, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатуви ва техник ходимларини моддий рағбатлантириш мақсадида 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун университетнинг ярим йиллик иш ҳақи фонди миқдоридидаги маблағларни Бюджетдан ташқари жамғармага ўтказиб берсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрларида Бюджетдан ташқари жамғармага мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишни молиялаштириш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосланган талабномасига мувофиқ маблағ ажратилишини таъминласин;

2020 йил 1 октябргача Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда туризм соҳаси субъектлари хизматлари таннаҳини пайсатириш мақсадида уларга қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, шунингдек, субсидиялар ажратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

муҳофиза этиладиган табиий ҳудудлардан ташқари туризм инфратузилмаси объектларини жойлаштириш учун ажратилган салоҳиятли ўрмон фонди ҳудудларини режалаштириш ва лойиҳалаштириш;

сув омборлари ва ўрмон хўжалиқларида туризм турларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳуқумат қарорларининг ижросини мониторинг қилиш;

республика кинолокацияларини, шу жумладан жамоат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда хорижда тарғиб қилиш.

9. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиқлари тузилмасида қуйидаги лавозимлар жорий этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий бўлинмаларидаги биттадан штат бирлигини қисқартириш ҳисобига Андижон, Жиззах, Қашқадар, Наманган, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими;

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларида ҳокимнинг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими бўйича ҳоким ўринбосари лавозими.

Белгилансинки, мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган лавозимларга номзодлар Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси тақдимномасига асосан белгиланган тартибда тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгасига Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг битта штат бирлигини қисқартириш ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, «Uzbekistan Airports» АЖ ва «Uzbekistan Airways» АЖнинг «Андижон» халқаро аэропортига «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» номини бериш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Транспорт вазирлиги ва «Uzbekistan Airports» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда мамлакатнинг ҳудудий халқаро аэропортларига энг яхши номлари аниқлаш бўйича оммавий танловни эълон қилсин ва унинг натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган авиакомпанияларнинг мурожаатларига қўра уларга парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича чораларга риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро келишувларига мувофиқ тайинланган (шу жумладан қўшимча тарзда тайинланган) авиакомпания мақомини белгиланган тартибда берсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизматининг Чеғара қўшилари, Соғлиқ сақлаш вазирлигининг 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни назарда tutувчи ягона тизимини яратиш ва жорий этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин:

Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар базасини туристик йўғим ҳисобини юритишнинг ягона тизими (кўйинги ўринларда – Ягона тизим) билан интеграциялаш;

Давлат солиқ қўмитаси томонидан, шу жумладан бронлаштириш тизимининг дастурий маҳсулотларини таҳлил қилиш орқали жойлаштириш воситаларининг бандлигини ўрғаниш ва туристик йўғимларнинг тўлиқ тушуми устидан камерал назоратни амалга ошириш;

туристик йўғим тўловини қабул қилиш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан мувофиқлаштириладиган ахборот марказларида Ягона тизимнинг фойдалиги юритиш;

Ягона тизимни маҳаллий мобил тўлов дастурлари ва халқаро тўлов тизимлари билан интеграциялаш;

Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари маълумотлари базасини маълумотларни узатиш режимида Ягона тизим билан интеграциялаш;

Ягона тизимдан фойдаланган ҳолда, туристик йўғим тўловининг тўланганлигини текшириш орқали хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакат ҳудудига бўлиши ҳамда ундан ўз вақтида чиқиб кетишини назорат қилиш механизмини йўлга қўйиш;

стацонар давлолаш хизматларини кўрсатувчи давлолаш муассасаларини Ягона тизимга улаш бўйича қўшимча лицензия талабларини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда икки ой мuddатда Ягона тизимни яратишнинг техник топширинини ишлаб чиқсин.

Белгилансинки, Ягона тизим лойиҳаси давлат органларининг ахборот тизимларига хизмат кўрсатувчи компанияларни жалб қилган ҳолда, Бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқилди.

13. Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида рўйхатга олинган туроператорларга, истисно тариқасида, ушбу ҳудудларда хизмат кўрсатиш учун двигателъ ҳажми 2,4 литрдан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилиятига эга транспорт воситалари импорт қилинаётганда божхона божини амалдаги ставканинг 50 фоизи миқдорда, қолган қисмини олиб қирилган санадан бошлаб 3 йил давомда тўлашга рухсат этилсин.

Белгилансинки, бунда ушбу транспорт воситаларига давлатнинг рўйхатга олиш рақам белгиларининг алоҳида сериялари берилди ва улардан тегининча фақат Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудига фойдаланишга рухсат этилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги уч ой мuddатда қўйидагиларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

а) Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Айдар-Арнасой қўллар тизими ҳудудига туристик зонани яратиш ва ривожлантириш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини;

янги «Ором қирғоғи» («Leisure Coast») туристик зонасида сувда дам олиш турлари ва пляж туризмни ривожлантириш;

Айдар-Арнасой қўллар тизимига йўловчиларни ташиш учун темир йўллари ётқизиш қийматининг дастлабки ҳисоб-китобларини қилиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, доимий автобус қатновларини йўлга қўйиш;

тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда туризм ва унга ёндош инфратузилмани ривожлантириш;

б) Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда Тўдақўл қўли ҳудудига туристик зонани ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича сувда дам олиш турлари ва пляж туризмни ривожлантириш, темир йўл станцияларини қўриш мақсадга мувофиқлигини ўрғаниш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, қўлга йўловчиларни ташиш учун доимий автобус қатновларини йўлга қўйиш, тадбиркорлик субъектларини

жалб қилган ҳолда туризм ва унга ёндош инфратузилмани ривожлантириш назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини;

в) Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда Зомин туманида умуммавсумий, қишки ва ёғи дам олиш масканларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг қўйидаги лойиҳалари амалга ошириш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин:

фуқароларнинг фаол дам олишини ташкил этиш (шаҳарда юриш, терренкур, треккинг ва ҳайкинг), касалланиш даражасини, шу жумладан юрак хасталикларини камайитишини назарда тутувчи «Пиёда туристик маршрут»;

хорижий мамлакатлар фуқароларига кўрсатиладиган тиббий хизматларни тизимлаштириш ва турларини кенгайтириш назарда тутувчи «Uzbekistan – hope and healing land» («Ўзбекистон – умидли ва шифобахш замин») тиббий туризм дастурини ривожлантириш;

республиканинг маданий мерос объектлари ҳудудларида белгиланмаган жойларда чиқинди ташланганлиги учун жарималарни ошириш, электр таъминотида «яшил» технологияларни жорий қилиш, чиқиндини утилизация қилиш, сув ресурсларидан унумли фойдаланишини назарда тутувчи «Clean&Eco».

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари билан биргаликда 2021 йил 1 январдан бошлаб «Гиштўприк» (Тошкент вилояти) ва «Хайратон» (Сурхондарё вилояти) халқаро назорат-ўтказиш пунктларида мавжуд инфратузилма доирасида чегарадан тезкор ўтиш механизмлари – «Fast track» хизматини қўйидагиларнинг ташкил этилишини назарда тутган ҳолда жорий қилсин:

автотранспорт воситаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтаётган жисмоний шахсларнинг навбатдан ташқари паспорт ва божхона назорати жараёнларини тезлаштириш тартибда амалга ошириш учун алоҳида йўлак; жисмоний шахсларнинг дам олиши ва ҳордиқ чиқариши учун шарт-шароитлар, шу жумладан оналар ва болалар хоналари, овқатланиш шохобчалари ҳамда тижорат банклари филиалларини ташкил қилиш ва валюта айирбошлаш учун банкматлар ўрнатган ҳолда «VIP» заллар.

Бунда қўйидагилар назарда тутилсин:

а) «VIP» залларни қўриш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва қўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобидан қопланади;

б) «Fast track» хизмати пуллик асосда, шу жумладан, чегарани кесиб ўтишдан олдин 90 кун мобайнида олдиндан тўлов қилиш ёки мобил иловалар орқали тўлаш имкониятини яратган ҳолда амалга оширилади;

в) хизматлар кўрсатишдан тўшган маблағлар қўйидаги тартибда тақсимланади:

80 фоизи – Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва қўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобига;

20 фоизи – Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ҳисобига.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа халқаро назорат-ўтказиш пунктларида «Fast track» хизматини жорий қилиш, уларнинг ўтказиш оқимини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланмаган график асосда амалга оширилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг мамлакатдаги туристик зоналарга автотранспорт воситалари (жамоат ва махсус транспортлар, шунингдек, туристик зоналар ҳудудига яшовчи аҳолининг автотранспорт воситаларидан ташқари) билан кириш учун йўғим ундириш механизмини жорий қилиш бўйича тақлифларига розилик берилсин.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ
ТАҚВИМИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

5 ИЮЛЬ*****

2020 йил июнь ойида банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига тўланган даромадлар (дивидендлар ва фоизлар тўловидан ташқари) бўйича фойда солиғини бюджетга ўтказишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 355-модда, 2-қисм, 1-банд)

2020 йилнинг июнь ойида натура шаклида тўланган даромадлардан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 390-модда, 2-қисм)

9 ИЮЛЬ

2020 йил июль ойи учун айланмадан солиқ тўловчи бўлмаганлар жумласига қирадиган солиқ тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи бўйича бўнак тўловларини йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан, шунингдек айланмадан олинган солиқни тўловчилар томонидан 2020 йилнинг III чораги йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни*

(Солиқ кодекси, 432-модда, 1 ва 3-қисмлар)

10 ИЮЛЬ

2020 йил июнь ойи учун Қимматли қўғозларнинг марказий депозитарийси томонидан ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборот тақдим этишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 133-модда, 12-қисм)

2020 йилнинг июнь ойи учун акциз солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 292, 293-моддалар)

мол-мулк солиғи бўйича бўнак тўловларини айланмадан олинган солиқни тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар томонидан 2020 йил июль ойи учун йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 417-модда, 6-қисм)

14 ИЮЛЬ

2020 йил июнь ойи учун ШЖБПХ реестрларини тақдим этиш ва бадалларни тўлашнинг сўнгги куни

(Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимидан шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 16-банди, ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган)

15 ИЮЛЬ

2020 йил июнь ойи учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқларни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 389-модда, 1-қисм, 2-банд; 390-модда 1-қисм; 407-модда 4 ва 5-қисмлар)

2020 йил июнь ойи учун солиқ тўловчилар томонидан қатъий миқдорда белгиланган ЖШДСни тўлашнинг сўнгги куни. Бундай солиқ тўловчилар қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни улар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ёки яқка тартибдаги тадбиркор ёхуд оилавий тадбиркорлик субъекти билан меҳнат шартномаси тузилган ойдан кейинги ойдан эътиборан амалга оширади

(Солиқ кодекси, 392-модда, 1 ва 2-қисмлар)

2020 йилнинг II чораги учун айланмадан олинган солиқ ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқ тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 470-модда, 3 ва 4-қисмлар)

Солиқ тўловчининг тақвими – «Солиқ ва боғхона хабарлари» газетаси ва «Нотпа» МЧЖ экспертларининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг қайтадан чоп этилишига «Нотпа» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.

2020 ЙИЛ ИЮЛЬ

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30	31		

20 ИЮЛЬ

2020 йил июнь ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 273-модда, 1 ва 2-қисмлар)

2020 йил июнь ойи учун чет эллик шахслардан олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 273-модда, 1, 2-қисмлар). Бунда Ҳисоб-китоб ортиб бормаيدиган яқун билан, айни 2020 йил июнь ойи учун кўрсаткичлар асосида тўлдирилади (Солиқ кодекси, 259-модда)

2020 йилнинг II чораги учун электрон шаклдаги хизматларни кўрсатадиган чет эллик юридик шахслар томонидан ҚҚС бўйича ҳисоботини тақдим этишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 281-модда)

2020 йил июнь ойи учун солиқ агентлари томонидан дивидендлар ва фоизлардан олинган солиқ суммаси бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси дивидендлар ва фоизлар тўланган қундан кечиктирмай бюджетга тўланади

(Солиқ кодекси, 345-модда, 5 ва 6-қисмлар)

2020 йил июнь ойи учун солиқ агентлари томонидан норезидентларнинг даромадларидан олинган солиқ суммалари бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси норезидентга даромадлар тўланган қуннинг кейинги қундан кечиктирмай бюджетга тўланади

(Солиқ кодекси, 355-модда, 1 ва 2-қисмлар)

2020 йил июль ойи учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнак тўловларини солиқ даврида солиқ суммаси БҲМнинг 200 бараваридан кўпроқни ташкил этадиган айланмадан олинган солиқни тўламайдиган юридик шахслар томонидан йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни ***

(Солиқ кодекси, 448-модда, 3-қисм)

2020 йил июнь ойи учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 454-модда, 3 ва 4-қисмлар)

2020 йилнинг II чораги учун фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни****

(Солиқ кодекси, 339-модда, 5-қисм, 1-банд; 340-модда; 480-модда)

2020 йилнинг II чораги учун бир ойда товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмаси 1 млрд сўмдан ошмайдиган, электрон ҳисобварақ-фактураларни қўллайдиган ҚҚС тўловчилар томонидан ҚҚС бўйича ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни. Бундай солиқ тўловчилар чоракнинг биринчи ойи учун солиқ органларига тегишли хабарномани (шакли my.soliq.uz да жойлаштирилган, шакл коди – 10012_1) солиқ тўлашнинг дастлабки муддатидан кечиктирмай тақдим этишлари лозим

(3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармоннинг 4-банди; МВнинг 16.04.2020 йилдаги 06/04-01-03-32/1107-сон хатининг 8-банди).

жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар томонидан олдинги чорак натижалари бўйича солиқни ҳисоблаш талаби бекор қилинган ҳолда мўлжалланаётган ҳажмдан келиб чиққан ҳолда 2020 йилнинг III чораги учун фойда солиғи бўйича бўнак тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишнинг сўнгги куни

(ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-банди 10-хатбоиши)

12-бетда

СОЛИК ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

11-бетда 23 ИЮЛЬ

2020 йил июль ойи учун жами даромади жорий солиқ даврдан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар томонидан фойда солиғи бўйича ойлик бўнақ тўловларини тўлашнинг сўнгги куни*****

(Солиқ кодекси, 340-модда, 2, 7, 8-қисмлар)

24 ИЮЛЬ

2020 йилнинг II чораги учун молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг сўнгги куни*****

(AB томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиши мuddатлари тўғрисидаги низомнинг 4-банди)

25 ИЮЛЬ*****

2020 йилнинг июнь ойи учун меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида тайинланган пенсиялар тўлови бўйича харажатларни қоплаш учун маблағларни тўлашнинг сўнгги куни

(Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташиқлотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-банди, AB рўйхат рақами 2836, 3.11.2016 й.)

*Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун солиқ қўйидаги тартибда тўланади:

ҳисобот йилининг 1 сентябрга қадар - йиллик солиқ суммасининг 30%; ҳисобот йилининг 1 декабрга қадар - солиқнинг қолган суммаси.

**Айланмадан олинadиган солиқни тўловчилар томонидан ер солиғи бўйича бўнақ тўловлари йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдориди йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 10-кунидан кечиктирмай тўланади.

***Солиқ даврида солиқ суммаси БХМнинг 200 бараваридан камроқни ташкил этадиган, айланмадан олинadиган солиқни тўловчилар бўлмаган юридик шахслар, шунингдек айланмадан олинadиган солиқни тўловчилар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнақ тўловлари ҳар чорак учинчи ойининг 20-санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдориди тўланади.

****Бюджет ташиқлотлари ва нодавлат нотижорат ташиқлотлар томонидан фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи ҳисобот даври якуни бўйича тақдим этилади (2020 йил учун - йилда бир марта), бундан матбуот кооперативлари мустасно. Ўтган солиқ даври якунлари бўйича жами даромад мавжуд бўлмаган тақдорда, солиқ ҳисоботини тақдим этиши талаб қилинмайди.

Хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуслар томонидан фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этиши ва тўлаш йилига бир марта, ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 мартдан кечиктирмай амалга оширилади.

*****Солиқ кодексининг 340-моддаси 3-6-қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ҳар ойлик бўнақ тўловининг суммаси манфий ёки нолағ тенг бўлса, кўрсатилган тўловлар тегишли чоракда амалга оширилмайди.

Солиқ тўловчилар, шу жумладан янгидан ташкил этилган, жами даромади жорий ҳисобот даври мобайнида 5 миллиард сўмдан ошган солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнақ тўловларини бундай ошиб кетиши содир бўлган тўлиқ чорак ўтганидан кейин тўлайди.

*****Кўйидагилар бундан мустасно:

молиявий ҳисоботни ҳисобот чораги тугаганидан кейин 40 кун мобайнида тақдим этадиган вазирлик ва идоралар, ассоциациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарадиган бошқа корхоналар;

молиявий ҳисоботни йилда бир марта, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартдан кечиктирмай тақдим этадиган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналари ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари;

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни йилда бир марта, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартдан кечиктирмай тақдим этадиган юридик шахс мақомига эга бюджет ташиқлотлари;

молиявий ҳисоботни йилда бир марта, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай тақдим этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар.

*****Муддатнинг сўнги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаши куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.

✓ КОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

САЙЁР СОЛИК ТЕКШИРУВИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ

Солиқ кодексининг 139-моддасига мувофиқ сайёр солиқ текширувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (AB томонидан 18.06.2020 йилда 3247-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тасдиқланди.

Солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш соҳасидаги айрим мажбуриятларини, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларини бажарилишини текшириш сайёр солиқ текшируви ҳисобланади. Сайёр солиқ текшируви доирасида ҳисоб ҳужжатларининг, товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари ҳаракатининг, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ахборотнинг таҳлили ўтказилади.

Низомга мувофиқ сайёр солиқ текшируви:

- солиқ органи раҳбарининг (ўринбосарининг) буйруғи асосида ўтказилади. Буйруқда солиқ тўловчининг номи, текширувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда лавозими, текширувни ўтказиш муддати ва мақсади кўрсатилади;
- 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади;
- текширув тайинлаш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилган санадан бошланади;
- текширув далолатномаси солиқ тўловчига топширилган кунда якунланади;
- Ягона текширувларни электрон рўйхатдан ўтказиш тизимида рўйхатдан ўтказилади.

Сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича:

- солиқлар ва йиғимлар ҳисобланмайди;
- олинган материаллар ва маълумотлардан камерал солиқ текширувини ўтказиш учун фойдаланиш мумкин;
- ҳуқуқбузарликлар аниқланганда қонун ҳужжатларига (СК, ЖК, МЖТК) мувофиқ чоралар кўрилади.

Кўйидаги ҳолатлар сайёр текширувлар ўтказиш учун асос ҳисобланади:

- «таҳлика-таҳлил» дастурий маҳсулоти натижасига кўра аниқланган, юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб бўлмаган солиқ тўловчилар фаолиятидаги солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда;
- жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисида мурожаатлар келиб тушганда (бундан аноним мурожаатлар мустасно);
- оммавий ахборот воситаларида солиққа оид қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганда;
- камерал солиқ текшируви жараёнида аниқланган тафовут ва ҳатоларни солиқ органи жойлашган жойдан ташқарида ўрганиш зарурати юзага келганда.

Сайёр солиқ текшируви доирасида:

- солиқ солиш объектлари аниқланади. Солиқ солиш объектлари тўғрисидаги ҳақиқий маълумотлар ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади;
- хронометраж кузатуви ўтказилади. Кузатув солиқ тўловчиларнинг ҳўжалик фаолиятини юритиш билан боғлиқ ҳақиқатдаги даромадлари, уларнинг манбалари ва (ёки) харажатлари, шунингдек солиқ режимини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Хронометраж кузатуви солиқ тўловчиларнинг текширувга қадар тасдиқланган иш режимидан келиб чиққан ҳолда 7 иш кунидан кам бўлмаган муддат ўтказилади;
- НКМ ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилиши текширилади. Савдо, умумий овқатланиш ва хизматлар соҳаси субъектларида назорат харида ва (ёки) бевосита текширув орқали амалга оширилади;
- ҳодимларнинг сони мониторинг қилинади. Текшириладиган объектларда ишлайдиган ҳодимларнинг маълум қилинган ва ҳақиқий сонини мониторинг қилиш орқали амалга оширилади;
- бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автомобиль воситаларининг тўхташ жойларида солиқ қонунчилигига риоя этилиши текширилади. Бунда бир марталик йиғим ва ижара тўлови тўланиши, шунингдек бозорларда савдо ва хизмат кўрсатиш қондаларининг бажарилиши текширилади;
- савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳаси объектларида савдо ва хизмат кўрсатиш қондаларига риоя этилиши текширилади;
- асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларнинг ҳақиқатда мавжудлиги текширилади.

Текширувчилар сайёр солиқ текширувини ўтказиш пайтида қуйидагиларга ҳақли:

- СКнинг 145-моддасига мувофиқ текширувчи шахснинг ҳудуди ва биноларини, шунингдек ҳужжатлари ва буюмларини кўздан кечирилади;
- СК 148-моддасига мувофиқ ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиши мумкин. Солиқ тўловчининг фаолияти тўхтатиб қўйилишига сабаб бўладиган олиб қўйиш фақат суднинг қарорига асосан амалга оширилади;
- СК ва Низомга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга.

Бунда текширувчилар текширув тўғрисидаги буйруқда баён этилган ваколатлари ва текширув мақсади доирасидан чиқмасликлари лозим.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.06.2020 йилдан қучга кирди.

Лола АБДУАЗИМОВА.

ЯТТ УЧУН КЎМАК

Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон) билан шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиқ бўйича қўшимча имтиёзлар жорий этилган.

Коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун солиқ имтиёзлари Президентнинг қуйидаги фармонларида акс эттирилган:

1) «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги (19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон);


2) «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон);



3) «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон);

4) «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги (18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон);

5) «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги (28.05.2020 йилдаги ПФ-6002-сон).

Мазкур фармонларга мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлар учун барча имтиёз ва преференциялар қулай бўлиши учун битта жадвалда жамланди:

Солиқлар ва йиғимлар	Якка тартибдаги тадбиркорлар		
	Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 100 млн сўмдан ошмаган	Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 100 млн сўмдан ошган, бироқ 1 млрд сўмгача бўлган	Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 1 млрд сўмдан ошмаган
ЖШДС	<p>1. Карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган ЯТТ учун ЖШДС қатъий белгиланган суммасини ҳисоблаш тўхтатилди (ПФ-5978-сон 5-б.).</p> <p>2. Фаолияти туризм соҳасига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган ЯТТ учун ЖШДСнинг қатъий белгиланган суммалари 30%га камайтирилади (ПФ-5969-сон 7-б. 2-хатбоиши).</p> <p>ЖШДСнинг қатъий белгиланган ставкалари (09.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонунга 13-илова)</p>	<p>1. 2020 йил 1 апрелдан жисмоний шахслар томонидан хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида олинган даромадлар солиққа тортишдан озод қилинади (ПФ-5969-сон 6-б.).</p> <p>2. 2020 йил 1 апрелдан 1 октябрга қадар «Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» фондларидан, юридик ва жисмоний шахслардан олинган беғараз ёрдам (пул маблағлари, товарлар ва хизматлар)га, агар ёрдам олувчи шахслар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилмаётган ижтимоий қўллаб-қувватлашга мухтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган бўлса, жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди (ПФ-5986-сон 1-б. «б» кичик б.).</p> <p>3. 2020 йилда ходимга тўланадиган, ЖШДСга тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси МҲЭКМнинг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилади (ПФ-5986-сон 2-б.).</p>	
Мол-мулк солиғи	<p>1. ЯТТ 2020 йил 1 июндан 1 сентябргача мол-мулк солиғини тўлашдан озод қилинади (ПФ-5996-сон 1-б.).</p> <p>2. Қуйидаги суммалар ҳисобдан чиқарилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> ПФ-5969-сон ва ПФ-5978-сон фармонларга асосан фойсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўланиши лозим бўлган солиқ суммалари; 2020 йил 15 май ҳолатига мол-мулк солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммалари (ПФ-5996-сон 2-б.). <p>3. 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга нисбатан мол-мулк солиғининг оширилган ставкаларини қўллаш, шунингдек, оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш чораларини кўриш тартиби тўхтатилади (ПФ-5978-сон 4-б. «в» кичик б.).</p> <p>Жисмоний шахслардан олинган мол-мулк солиғи ставкалари (СК 422-м.)</p>		
Ер солиғи	<p>1. ЯТТ 2020 йил 1 июндан 1 сентябргача солиқни тўлашдан озод қилинади (ПФ-5996-сон 1-б.).</p> <p>2. Қуйидаги суммалар ҳисобдан чиқарилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> ПФ-5969-сон ва ПФ-5978-сон фармонларга асосан фойсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўланиши лозим бўлган солиқ суммалари; 2020 йил 15 май ҳолатига ер солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммалари (ПФ-5996-сон 2-б.). <p>3. Қуйидагилар тўхтатилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга нисбатан солиқнинг оширилган ставкаларини қўллаш, шунингдек, оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш чораларини кўриш (ПФ-5978-сон 4-б. «в» кичик б.); карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган ЯТТ томонидан давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловларини ҳисоблаш ва ундириш (ПФ-5978-сон 15-б. 9-хатбоиши). <p>Жисмоний шахслардан олинган ер солиғи ставкалари (9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонунга 9-илова)</p>		
Ижтимоий солиқ	<p>1. 2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача бўлган даврда солиқнинг ойлик энг кам суммаси БҲМнинг 50%га қадар камайтирилади (ПФ-5969-сон 5-б. «а» кичик б.).</p> <p>2. Карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган ЯТТ учун солиқни ҳисоблаш тўхтатилади (ПФ-5978-сон 5-б.).</p> <p>Ижтимоий солиқ ставкалари (СК 408-м.)</p>		
Айланмадан олинган солиқ	<ul style="list-style-type: none"> 2020 йил якунига қадар қарз берувчига фойс шаклида даромад тўлаш мажбуриятисиз қарз (қайтариб берилмайдиган молиявий кўмак) тақдим этилганда қайта молиялаш ставкаси асосида аниқланадиган даромад солиққа тортилмайди (ПФ-5978-сон 15-б. 8-хатбоиши). 2020 йил 1 апрелдан 1 октябрга қадар «Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» фондларига (уларнинг бўлинмаларига), шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилмаётган ижтимоий қўллаб-қувватлашга мухтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга беғараз берилмайдиган товарлар (хизматлар) солиқ солиш объектига киритилмайди (ПФ-5986-сон 1-б. «а» кичик б.). 		

Солиқлар ва йиғимлар	Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 100 млн сўмдан ошмаган	Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 100 млн сўмдан ошган, бироқ 1 млрд сўмгача бўлган	Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 1 млрд сўмдан ошмаган
Фойда солиғи		<p>1. Солиқни аввалги чорак якунлари асосида ҳисоблаш бўйича ўрнатилган талабларни бекор қилган ҳолда, ушбу солиқни тўловчилар 2020 йилининг II чорағидан бошлаб, қўтилаётган ҳажмлардан келиб чиқиб солиқ бўйича аванс тўловлар суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга (ПФ-5978-сон 15-б. 10-хатбоишиси).</p> <p>2. Тижорат банклари томонидан кредитлар бўйича ҳисобланган ва кечиктирилган фоизлар суммаси кечиктириш тақдим этилган даврда солиқни ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмайди (ПФ-5978-сон 11-б.).</p> <p>3. 2020 йил 1 апрелдан 1 октябрга қадар «Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» фондларига (уларнинг бўлинмаларига), шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга бегараз бериладиган пул маблағлари ва товарлар (хизматлар) га чегириладиган харажатлар сифатида қаралади (ПФ-5986-сон 1-б. «а» кичик б.).</p>	
ҚҚС		<p>1. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҚҚС бўйича имтиёзлар солиқ солишдан бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шартларисиз қўлланилади (ПФ-5978-сон 15-б. 11-хатбоишиси).</p> <p>2. 2020 йил 1 апрелдан 1 октябрга қадар «Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» фондларига (уларнинг бўлинмаларига), шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга бегараз бериладиган товарлар (хизматлар) ҚҚСдан озод қилинади (ПФ-5986-сон 1-б. «а» кичик б.).</p>	
Божхона тўловлари	<p>1. 2020 йил 31 декабрга қадар 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармонга 1-иловага мувофиқ товарларни олиб киришда божхона бож ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланади (ПФ-5978-сон 1-б.).</p> <p>2. Коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин муассасалари қурилиши учун зарур бўлган қурилиш материаллари, шунингдек, улар фаолият кўрсатиши учун зарур товарлар 2020 йил 31 декабргача муддатта божхона тўловларидан (божхона божи, акциз солиғи, ҚҚСдан) озод этилади (ПФ-5978-сон 16-б.).</p> <p>3. Коронавирус инфекциясини аниқлаш бўйича экспресс-тестларни олиб киришда улар учун божхона расмийлаштируви йиғими ундирилмайди (ПФ-5978-сон 16-б.).</p>		
Туристик (меҳмонхона) йиғим	2020 йил 1 апрелдан 1 июлгача бўлган даврда туристик йиғимни ҳисоблаш ва тўлаш (ПФ-5969-сон 5-б. «б» кичик б.).		
СОЛИҚЛАРНИ ТўЛАШНИ КЕЧИКТИРИШ (БўЛИБ-БўЛИБ ТўЛАШ)			
Мол-мулк солиғи, ер солиғи	Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарорига асосан ЯТТга солиқларни тўлаш бўйича фоизларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади (ПФ-5969-сон 7-б.).		
Айланмадан олинган солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ижтимоий солиқ	<p>1. Ўз фаолиятини тўхтатган ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг I чорағидаги ўртача ойлик миқдорига нисбатан 50%дан кўпроққа камайган ЯТТга солиқ органларини хабардор қилган ҳолда 2020 йил 31 декабрга қадар қуйидаги солиқларни фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • айланмадан олинган солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича – уларни кейинчалик 12 ой давомида тенг улушларда тўлаш шarti билан; • ижтимоий солиқ бўйича – уни кейинчалик 6 ой давомида тенг улушларда тўлаш шarti билан (ПФ-5978-сон 6-б.; ПФ-5986-сон 5-б.). <p>2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган ва келгусида тўланадиган солиқ суммаларини тўлаш бўйича муддатни мустақил равишда, бироқ 2 йилдан оширмасдан белгилаш ҳуқуқига эга (ПФ-5986-сон 5-б.).</p>		
ЖШДС	2020 йил 1 апрелдан 1 октябрга қадар жисмоний шахсларга турар жойларини жисмоний шахсларга ва коронавирус пандемияси даврида фаолияти тўхтаган тадбиркорлик субъектларига нотурар жойларни ижарага беришдан олинган жисмоний шахслардан олинган даромадлар бўйича солиқни фоизсиз кечиктириб тўлаш ҳуқуқи берилади. Кечиктирилган солиқ суммаси 2021 йил 1 апрелгача тенг улушларда тўланиши лозим (ПФ-5986-сон 1-б. «в» кичик б.).		
Божхона тўловлари	ЯТТга товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилишда ҚҚСни тўлаш бўйича 120 кун муддатгача кечиктириш олиш ҳуқуқи берилди (ПФ-5996-сон 3-б.).		
СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИМТИЁЗЛАР			
2020 йил 1 октябргача ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун ЯТТга жарималар қўлаш тўхтатилади (ПФ-5969-сон 8-б.).			
2020 йил 1 октябргача вақтинча қийинчиликларни бошдан кечириётган яқка тартибдаги тадбиркорларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланиши тўхтатиб турилади. Шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари қўрилмайди (ПФ-5969-сон 8-б.).			
Пеня миқдори (СК 110-м.)			
2021 йил 1 январга қадар солиқ аудитидан ўтказиш тўхтатилди, жиноят ишлари доирасида солиқ аудитидан ўтказиш бундан мустасно (ПФ-5969-сон 10-б.).			
Солиқ аудитидан ўтказиш тартиби (СК 140–143-моддалар)			
Карантинга олинган шахсларга нисбатан қўлланилган маъмурий жарималарни (қарантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик бундан мустасно) тўлаш муддатлари қарантин муддати тугагунга қадар узайтирилади (ПФ-5978-сон 15-б. 6-хатбоишиси).			

Изоҳ.

Материал эълон қилинган санада базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ) 223 000 сўми, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲЭKM) 679 330 сўми ташкил этган.

Жорилла АБДУЛЛАЕВ, «Norma» МЧЖ етакчи эксперти.

ДЕКРЕТ ТЎЛОВЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

1-вазият:

Ходима иш бошлаганига 11 ой бўлди (асосий иш эси). Иш берувчи меҳнатга лаёқатсизлик варақасини (ҳомилдорлик ва туғиш бўйича) олганда ўз хоҳишига кўра 75% эмас, балки 100% нафақа тўламоқчи. 100% миқдоридagi ҳомилдорлик ва туғиш бўйича нафақага ЖШДС, ШЖБПХга ажратмалар, ижтимоий солиқ солинадими?

– Ҳомилдорлик ва туғиш таътили бўйича нафақа биринчи марта ишга кирганлар ёки 12 ойдан ортиқ муддатлик танаффусдан сўнг меҳнат фаолиятини тиклаётганлар учун ишга қабул қилинган кундан бошлаб ҳақиқатда ишланган вақтга қараб қуйидагича белгиланади (27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699-сон қарорнинг 23-б.):

• ишга қабул қилинган кундан эътиборан 12 ойгача муддатда – ҳомилдорлик ва туғиш таътилида бўлган вақт учун ўртача ойлик иш ҳақининг 75%и;

• ишга қабул қилинган кундан эътиборан 12 ойдан ортиқ муддатда – ҳомилдорлик ва туғиш таътилида бўлган вақт учун ўртача ойлик иш ҳақининг 100%и.

Ушбу сума ходимнинг ялпи даромадига киритилмайди ва солиқ оқибатларини келтириб чиқармайди (СК 369-м. 1-қ. 7-б.).

Иш берувчи белгиланган нормадан кўпроқ тўлашни режалаштиратган бўлса, ушбу суммалар ўртасидаги фарқ ишланмаган соатлар учун тўлов ҳисобланади ва меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга киритилади (СК 371-м. 1-қ., 374-м. 13-б.).

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга ижтимоий солиқ, ЖШДС солинади ва ундан ШЖБПХга ажратмалар ўтказилади (СК 387-м. 1-қ. 1-б., 403, 404-м.; «Фуқароларнинг эсамга-риб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси).

2-вазият:

Ҳомилдорлик ва туғиш варақаси 30.05.2020 йилда (шанба) олинган. Ходима ўриндошлик бўйича ишлайди, 1.06.2019 йилдан 31.05.2020 йилгача муддатли шартнома тузилган. Табелъ бўйича охириги иш кунни – 29.05.2020 йил санаси эсума кунига тўғри келади.

Ҳомилдорлик ва туғиш бўйича нафақани 100% миқдоридa ҳисоблаш тўғри бўладими?

– Ўриндошлик бўйича ишлайдиганлар барча таътиллار, шу жумладан даволаш муассасаси томонидан тасдиқланган меҳнатга лаёқатсизлик варақасига асосан нафақа тўланган ҳолда ҳомилдорлик ва туғиш таътилини олишга ҳақли (Ўйриқноманинг 19-банди, АВ томонидан 17.04.2015 йилда 2667-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Ходимнинг меҳнат шартномаси муддати – 2020 йил 31 майгача. Ҳомилдорлик ва туғиш таътили 2020 йил 30 май кунига – ходима билан меҳнат муносабатларига даврига тўғри келяпти.

Иш берувчи ҳомилдорлик ва туғиш бўйича нафақани тўлаши шарт ҳамда МКнинг 237-моддаси 2-қисмидаги талабларга риоя этган ҳолда ходима билан меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин (МК 105-м.).

Саволдан кўриниб турибдики, ходима корхонада 1.06.2019 йилдан 29.05.2020 йилгача – 11 ой ва 29 кун ишлаган (бир ой тўлиқ бўлиши учун шанба ва якшанба кунига тўғри келган 2 календарь кун етишмаяпти). Бунда ишланган вақтни тўлиқ 12 ой деб ҳисоблаш лозим, сабаби бир ойдаги 15 ва ундан ортиқ календарь кунларга тенг бўлган кунлар сони бир ой деб яхлитланади (МК 141-м.). Шу боис унга ўртача ойлик иш ҳақидан 100% миқдоридa ҳомилдорлик ва туғиш бўйича нафақа тўланиши лозим.

ЧОЙНИ ҚАДОҚЛАШГА БЕРИШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона 5 кг лик ўрамдаги чойларни сотиш учун харид қилди. Ҳозирда чойни кейинчалик сотиш учун 1 кг лик ўрамларга қадоклашга қарор қилинди. Қадоклаш хизматлари чет ташкилот томонидан кўрсатилади. 5 кг ўрамдаги чойларни берамиз ва 1 кг ўрамдаги чойларни қабул қилиб оламиз.

1. Чойни қадоклаш учун бериш ва қадокланган чойни қайтариб олиш қандай ҳужжатлар билан ва қандай нарх бўйича расмийлаштирилади?

2. Чойни қадоклашга беришга ҚҚС солинадими?

1 Корхонангизнинг чойи бошқа корхона томонидан қадокланиши ҳамда кейинчалик қайтарилиши давал хом ашё билан ишлаш ҳисобланади. Давал хом ашёни қайта ишловчига қайта ишлашга бериш давал хом ашёни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки уни қайта ишлашга бериш юкхати билан расмийлаштирилади (АВ томонидан 15.03.2010 йилда 2086-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 8-банди). Ушбу ҳужжатларнинг шакллари Низомга 1 ва 2-иловаларда келтирилган.

Ҳужжатлар (ёки юкхатда) берилаётган чой таннархи ва миқдори кўрсатилади. Бунда қайта ишлаш учун берилган чой корхонангиз балансида ҳисобдан чиқарилмайди. У 1070-«Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар» счётида ҳисобга олинади.

Қадокланган чой қайтарилганда қайта ишловчи томонидан қуйидагилар расмийлаштирилади (Низомнинг 20-банди):

➤ давал хом ашёни қайта ишлаш бўйича ишларнинг ҳақиқатда бажарилганлигини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактура;

➤ давал хом ашёни қайта ишлашдан олинган маҳсулотни қабул қилиш-топшириш далолатномаси (Низомга 4-илова);

➤ давал хом ашёнинг ишлатилганлиги тўғрисида ҳисобот (Низомга 5-илова).

2 Чойни даваль асосда қадоклаш учун бериш товарни реализация қилиш бўйича айланма ҳисобланмайди ва унга ҚҚС солинмайди.

Қадоклаш учун берилган чой шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаган бўлса, у реализация қилинган ҳисобланади ва унга ҚҚС солинади (СК 239-м. 4-қ. 7-б.).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ЭХФда ЧАКАНА ТОВАР АЙЛАНМАСИ

ЭХФда чакана товар айланмаси қандай акс эттирилади? Бир томонлама ЭХФни ёзиб бериш мумкинми?

– Ҳа, корхона бир томонлама тартибда харидорни номма-ном санаб ўтилмаган ҳолда электрон ҳисобварақ-фактурани ёзиб бериши мумкин. Битта сатрда «Чакана сотилган товарлар» деб кўрсатилиши ва умумий сума акс эттирилиши лозим. ЎзР ДСҚнинг расмий сайтыда шундай тушунтириш берилган.

Аҳолига назорат-касса аппаратлари (тўлов терминаторлари) орқали реализация қилинган товарлар (хизматлар) айланмасининг умумий суммаси солиқ даври (ой) якунлари бўйича бир сатрда акс эттирилади ҳамда «ЭХФ бир томонлама тартибда» бандини танлаш орқали ЭХФ шакллантирилади, бу ерда контрагентнинг маълумотлари киритилмайди. Товарларни (ишлар, хизматларни) тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмайдиган жисмоний шахсларга реализация қилишда товарларни (ишлар, хизматларни) сотувчи томонидан шакллантирилган ЭХФ унинг электрон рақамли имзоси билан бир томонлама тасдиқланади (Низомнинг 18-банди, ВМнинг 25.06.2019 йилдаги 522-сон қарорига 1-илова).

ТЎЛОВ ДАЛИЛИ БЎЙИЧА БОЖХОНАДАГИ ҚҚСНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

МЧЖ шаклидаги хорижий корхона Ўзбекистон ички бозоридa реализация қилиш учун Россиядан товар олиб келди. Ушбу товарнинг бир қисми сотилди ва ҚҚС бўйича ҳисобот топширилди. 8.06.2020 йилда декларант аввал НД-40 режимида расмийлаштирилган декларация божхона органида қайта кўриб чиқилгани ҳамда мазкур товарнинг божхона қиймати қайта ҳисоб-китоб қилинганлиги сабабли 4 та позициядаги божхона тўловлари бўйича МЧЖ ХК қўшимча тўлов тўлаши лозимлиги аниқланганини маълум қилди. Божхона тўловлари тўланганидан кейин ИМ-40 режимида декларация берилди, бироқ ундаги сана аввалгидек қолдирилган.

1. Божхона божлари қўшимча тўланганлиги муносабати билан қандай қўшимча тузатишлар қилиниши ва провoдқалар амалга оширилиши лозим? Товарнинг бир қисми сотилган бўлса, қолган товарга божхона божларини тақсимлаш зарурми?

2. Апрель ойи учун ҚҚС бўйича ҳисобот юзасидан қайта ҳисоб-китоб тақдим этиши лозимми?

1 Кўшимча ҳисобланган божхона божи суммасини танланган ТМЗ қийматини баҳолаш усулига қараб, ёки айна ўша туркумдаги товар қийматига ёхуд давр харажатларига киритиш лозим (22-сон БҲМСнинг 13, 22-бандлари, АВ томонидан 21.05.2004 йилда 1364-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

2 Божхонада тўланган ҚҚС суммаси солиқ ҳақиқатда бюджетга тўланган ҳисобот даврида ҳисобга олинади. Шу боис апрель ойи учун ҚҚС бўйича ҳисобот қайта топширилмайди. Бунда импорт қилинган товарни реализация қилиш қиймати олиб киришда (импорт чоғида) бюджетга ҳақиқатда тўланган солиқ ҳисобланган божхона қийматидан паст бўлса, ушбу товар реализация қилинган даврдаги фарқ суммасига ҚҚС қўшимча ҳисобланиши ва Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобда (1-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) акс эттирилиши лозим (СК 248-м. 5-қ.).

Замира ЖЎРАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

КЛАСТЕРДАН – ДУНЁ РАСТАЛАРИ САРИ

✓ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

Самарқанд вилоятидаги «Булунгур-Сандвик» МЧЖ ўзи етиштирган маҳсулотни саноат усулида қайта ишлаш орқали экспорт қилишга ихтисослаштирилган йирик кластер корхоналаридан бири саналади. Корхона 2019 йилда 5,9 млн АҚШ долларилек қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини Россия, Германия, АҚШ давлатларига экспорт қилган.

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси асоратларини бартараф этиш, республикамизнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида жорий йилда 8 млн АҚШ долларидан зиёд маҳсулот экспортга чиқарилиши режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 1 млн 579 минг АҚШ доллари миқдоридagi қарам, исмамоқ, шивит, лук-порей каби маҳсулотлар АҚШ, Россия, ва Европа давлатларига экспорт қилинган.

Айни вақтда кластер корхонаси томонидан Булунгур туманида 341 гектар, Тайлок, Уругт ва Жомбой туманларидаги фермер хўжалиқларига қарашли 1,1 минг гектар майдонда булғор қалампери, қарам, лук-порей сингари экспортбop қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Ўз ўрнида вилоятда рўйхатдан ўтган корхоналарга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга расмийлаштириш жараёнини янада соддалаштирилган тартибда тез фурсатларда амалга



оширишда вилоят божхона бошқармаси томонидан яқиндан кўмак берилмоқда.

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.

✓ АСР ВАБОСИ

НАРКОТИК ВОСИТАЛАР ЁҚИБ ЮБОРИЛДИ

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги заводлардан бирида Давлат хавфсизлик хизмати томонидан 26 июнь - Халқаро гиёҳвандликка ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш куни муносабати билан республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ноқонуний муомаладан мусодара қилинган наркотик моддаларнинг навбатдаги туркуми йўқ қилинди.

Тадбир аввалида ташкилотчилар ва халқаро жамоатчилик вакиллари иштирокида журналистлар учун брифинг ўтказилди. Тақдим этилган маълумотларга кўра, Ўзбекистондаги нарковазиятга салбий таъсир кўрсатаётган асосий омил - қўшни Афғонистонда ханузгача гиёҳвандлик воситалари кўп миқдорда етиштириляётгани, улар дунёнинг турли минтақаларига айнан юртимиз ҳудуди орқали экспорт қилинаётганидир. Таҳлилларга кўра, афғон тупроғида ўтган йилда 240 минг гектар майдонда 6,4 минг тонна опий етиштирилган.

Ўзбекистонда 2019 йилда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ 5 026 та жиноят фош этилган. Натижада 1 тонна 200 кг наркотик модда мусодара қилинган.

Брифингдан сўнг республикамизда қўлланиб келинган тажрибага таянган ҳолда, суд идораларида ашъвий далил сифатида ўтган наркотик воситалар, ҳукм кучга кирганидан

сўнг, республикамизнинг ваколатли идоралари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида 626 кг 981 грамм гиёҳвандлик воситалари махсус пецларда ёқиб юборилди.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши олдини олишда давлат божхона хизмати органлари ходимларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Биргина Давлат божхона кўмитаси томонидан бу йўналишда 2019 йилда 442 та қонунбузарлик ҳолати фош қилинган. Натижада 78,5 кг наркотик модда ва 33 074 дона психотроп таблеткалар олиб қўйилган.

2020 йилнинг 5 оyi мобайнида эса давлат божхона хизмати органлари томонидан мазкур йўналишда 152 та қонунбузарлик ҳолатлари фош қилинган.

ДБК Ахборот хизмати.



ДАЛАДА ЎСГАН «БАЛО»

Гиёҳвандликка қарши курашиш дунё миқёсидаги глобал муаммолардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам бу офатга қарши курашиш изчил йўлга қўйилган. Бу борада таркибида наркотик моддалар мавжуд ўсимликларни экиш ҳолатларини аниқлаш, қўшни давлатлардан юртимиз ҳудудига айланма йўллар орқали гиёҳвандлик воситаларининг кириб келишига чек қўйиш мақсадида Самарқанд вилояти божхона бошқармаси бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида қатор ишларни амалга оширмоқда.

Ўтказилаётган кенг қамровли тадбирлар давомида 2019–2020 йилнинг шу кунига қадар гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ 14 та жиноят иши қўзғатилган ҳамда умумий миқдори 1691,11 граммни ташкил этган наркотик воситалар ашъвий далил сифатида олиб қўйилган. Хусусан, Самарқанд вилояти божхона бошқармаси, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда Пайарик туманида ўтказилган «Қорадори–2020» тадбири давомида фуқаро У.С.нинг яшаш хонадони ва кўшимча дала майдонлари ораси ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда «деҳқон»нинг даласида бўйи тахминан 25–30 см гача кўтарилиб қолган жами 170 туп каннабис ўсимлиги «барк уриб» ўсаётганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасидаги наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига онд маълумотлар таҳлил қилинганда ҳозирги кунда республикамизда янги турдаги психофаол воситаларнинг кенг тарқалаётгани маълум бўлди.

Мазкур иллатнинг ёшлар орасида тарқалиши олдини олиш, профилактика тадбирларига урғу бериш мақсадида манфаатдор идоралар вакиллари янги жалб қилган ҳолда олий ўқув юрглари, академик лицей ва касб-хуна коллежларида маърифий учрашувлар, суҳбатлар ўтказиб келмоқдамиз.

Жасурбек ФАЙЗУЛЛАЕВ,

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси бошлиги ўринбосари.

СОЛИК ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета

ТАЪСИСЧИ «Норма» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ

Саҳифовчи Раъно ИСМАИЛОВА

МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1
ТЕЛЕФОН/ФАКС
Тахририят: (71) 200-00-90;
E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165, Қўғоз бичими – А3, Ҳажми – 4 босма табоқ, Баҳоси келишилган нарҳда. Бюрторма т-615, Адади 645. Газета 2020 йил 29 июнь соат 16.30 да топширилди.